

**ТУНЖЕР ЖУЖЕН ЎҒЛИ**

**БЎЁҚЧИ**  
**(ВОУАСИ)**

**2 ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ**

**Таржимон Ойбек Вейсал ўғли**

**Tuncer Cücenoglu**  
[cucenoglutuncer@gmail.com](mailto:cucenoglutuncer@gmail.com)  
[tcucenoglu@hotmail.com](mailto:tcucenoglu@hotmail.com)  
[www.tuncercucenoglu.com](http://www.tuncercucenoglu.com)

Буюк актёр **М. Бўзкурт Куручга** бағишланади

## **ИШТИРОКЧИЛАР:**

ҚОДИР - 35- 40 ёшда. Бўёкчи.

ГУЛ - 35 ёшда. Хотини.

МУСТАФА - 35 ёшда.

АХМАД - 40 ёшда. Доктор.

ХАЛИТ - 60 ёшда. Холдинг бош директори.

НУРТЕН - 30 ёшда. Ёқимли аёл

ТУРГУТ - 40 ёшда. Ахметнинг шифокор ўртоғи

ТАХСИН - 50 ёшда. Холдинг директор ўринбосари.

АЁЛ - 30 ёшда.

**ЖИНОЯТЧИ ВА**

**ПОЛИЦИЯЧИ** - 30 ёшда. Битта актёр ижро этиши талаб қилинади.

**Макон:** Истамбул

**Вақт:** Шу кунлар

**Мавсум:** Ёз

## **САХНА КЎРИНИШИ:**

Шифокорнинг қабул хонаси.

Кутиш хонаси. Кресло, жураал столи. Деворда портретлар... Балконга чиқадиган эшик. Кўчага қараган дераза.

Котиба хонаси. Кичкина стол. Телефон. Мусика магнитофони. Котибанинг хонасидан томошабинга кўринмайиган ошхонага эшик. Бошқа эшик хамширанинг хонасига очилади. Хонада беъмори муолижа қилиш учун ётоқ(крават). Деворга жойлаштирилган кийимлар учун шкаф. Бу шкафга яшириниш учун икки киши зўрға сиғади. Ширма ва дорилар бор.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### БИРИНЧИ КУН

Ахмет муолижахонада асаби бузилган холда юрмоқда. Вақти вақти билан соатига қараб қўяди. Оёқ товушларини эшитиши билан, эшик такиллашини кутади, лекин атрофда жимлик давом этади. Ахмад асабийлашда давом этади. Сабр косаси тугаб, телөфон гўшагини кўлига олади...

АХМАД - Ало!? Қизим менга Тургут керак эди... Мен Ахмад... Ахмадман! Тезроқ бўла қол. Ало!? Қаерга кетаман... Хамширанинг хонасидаман... Қанақа қилиб кетаман? Бўёқчиларинг хали келгани йўқ. Йўқ, келмади! Мен қаердан билай... Ишонарли одамлар деганинга шуларни чақирдик. Қанақа қилиб асабийлашмайман! Хозир хазилни вақтими? Мен аэропортга кеч қолаяпман... Эрталаб Берлинда бўлишим керак. Хали уйга ўтиб чамадонимни тайёрлашим керак... *(Эшик ёшн-иро-и жириглайди)* Тўхта... Келишди шекили.

Ахмад шошилиб эшикни очади. Бир кўлида икки қанотли нарвон, иккинчи кўлида бўёқ қилиш анжомлари билан Қодир кириб келади.

ҚОДИР - Доктор бей?

АХМАД - Соат неччи?!

ҚОДИР - *(Шошилмай хотржамлик билан кўлидаги аиёларни бир четга қўйиб, кўлидаги соатга қарайди)* Учдан йигирма ўтибди.

АХМАД - Шундайми? Меники, учдан ўн етти ўтибди.

ҚОДИР - Меники бироз олдинга ўтиб кетибдимми?

АХМАД - Йўғ-е?!

ҚОДИР - Ха... Бўёқга тушиб кетганди... Ўшандан бўлса керак.

АХМАД - Эшикни ёп! Ичкарига кир!

Қодир эшикни ёпиб, ичкарига кираркан, Ахмад телефон томонга шошилади, Қодирга эштилмайдиган қилиб телефонда гапиради

АХМАД - Айтган одаминг келди! Рости унинг менга ёқмади. У мени қизиқтирмайди, ўзинг хаммасига жавоб берасан. Келиб хабар олиб тур! Ишни кўнгилдагидай тугатмаса, пулни берма! Менга қара Тургут, сенга ишондим! Бир хафтага қайтаман. Яхши қол. *(Телефонни қўяди)* Отинг нимайди!?

ҚОДИР - Қодир.

АХМАД - Соат нечида келишинг керак эди?

ҚОДИР - Йигирма дақиқа кеч қолдим, доктор бей. Автобус тўла экан, чиқа олмадим.

АХМАД - Автобусда келдингми?

- ҚОДИР - Такси мен учун қиммат бўлади. Инсофли хойдовчи топилгунга қадар ярим соат ўтиб кетди.
- АХМАД - *(Асабийлашганини билдирмасликка ҳаракат қилади)* Рифки, биласан, мен...
- ҚОДИР - Мени исмим Қодир, Доктор бей.
- АХМАД - Бўпти... Бу... Ёрдамчинг қани?
- ҚОДИР - Жуда зарур иши чиқди.
- АХМАД - Бу... Нима деганинг? Бу... Иш зарур эмасми?
- ҚОДИР - Хар бир иш, ўз мақсадига эришгунча зарур бўлишда давом этади.
- АХМАД - Нима демоқчисан?
- ҚОДИР - Бугун эрталаб маҳкамадан хат келди. Агар бир ҳафта ичида киралаган уйимизнинг бўшатмасак, бизни у ердан куч билан хайдашар экан. Бу нима дегани биласизми Доктор бей? Полиция... Жандрлар... Ур-сур, ур-йикит... Зотан, уйда уч-тўрта ашёмиз бор холос. Эрталаб хабар беришди... Бизга лоиқ киралик уй бор экан. Бу фурсатдан фойдаланишимиз керак эди. Хозир, бизни чўнтакка тўғри келадиган, кирага уй топиш осон эмас Доктор бей.
- АХМАД - *(Гапни қисқа қилишга ундайди)* Топилади...
- ҚОДИР - Ёки сиз биладиган киралик уй борми?
- АХМАД - Йўқ.
- ҚОДИР - Бўлмасам қаердан биласиз, киралик уй топишимизни. Жуда қийин Доктор бей... Аллох душманимни ҳам уйсиз қолдирмасин.
- АХМАД - Кеч қолаяпман, Хамди...
- ҚОДИР - Қодир... Мен Қодирман!
- АХМАД - Хўп Қодир бўла қолсин. Ишончингни йўқотма. Албатда уйни топасан. Мени яхшилаб эшит. Мана бу бонқада пластик бўёқ бор. Бунлар эса ёғли бўёқлар. Мана бу эса охак. Хамма жой қаймоқ рангида бўлсин. Тушундингми?!
- ҚОДИР - Тушундим. Юқори қисми оқ охакда, деворлар эса қаймоқ рангида... Дереза ва эшиклар эса фил тиши рангида.
- АХМАД - Офарин!
- ҚОДИР - Бу бизни ишимиз, Доктор бей.
- АХМАД - Бўёқлар етадимми?
- ҚОДИР - *(бўёқларни кўздан кечириб)* Етиб қолар.
- АХМАД - Етмасачи?
- ҚОДИР - Бир амаллаб етказаман.
- АХМАД - Баракалла. *(Хурсанд бўлгандай кулимсирайди)* Жуда ҳам қувноқ одам экансан, уста. Аммо, кеч қолаяпман, кетишим керак. Иншаллох, бир ҳафтада қайтиб келганимдан кейин, таъмирланган хонада чой ичиб сухбатимизни давом этамиз. Шеригинг қачон келади?
- ҚОДИР - Бироздан кейин келиб қолади.
- АХМАД - Топаоладими?
- ҚОДИР - У киши кутиб туради.

- АХМАД - Қайси киши?
- ҚОДИР - Уй эгаси.
- АХМАД - Эй, худо... Мен шеригин бу ерни тополадими деб сўраяпман.
- ҚОДИР - Қўлида адрес бор. Мени хотиним чаққон, топади.
- АХМАД - Тушунмадим. Хотинингни бу ишлар билан нима алоқаси бор.
- ҚОДИР - Кираланадиган уйни кўргани борганди, Доктор бей.
- АХМАД - Мен бутунлай адашиб кетдим. Мен сени хотинингни эмас, ёрдамчингни сўраяпман.
- ҚОДИР - Ёрдамчим хотинимда. Бирга тез ишлаймиз.
- АХМАД - Неча кунда тугайди?
- ҚОДИР - У ёқ – бу ёқ... Уч кунда хал қилиб, кўчиб ўтилади.
- АХМАД - “Кўчиб ўтилади”, деганинг нимаси!?
- ҚОДИР - Уйни нима учун киралаяпмиз, бўлмасам? Агар у уйга кўчиб ўтмасак, нима учун уларга пулни беришимиз керак?
- АХМАД - Мен сендан бу ернинг таъмирлаш ишини сўраяпман, Рамиз...
- ҚОДИР - Мени исмим ... Қодир.
- АХМАД - Тавба... Бу Рамиз исми қаердан ақлимга келди? Тамом, Қодир уста. Бўёқ ишлари неча кунда битади?
- ҚОДИР - Уч кунда ҳам... Беш кунда ҳам... Агар уч кунда тугатсам, ўн беш кунда тўкила бошлайди. Агар беш кунда тугатсам, тошдек қотади.
- АХМАД - Майли, шошилма. Олти кунда битирсанг ҳам бўлади.
- ҚОДИР - Ўзи деворларни кўриниши унчалик ёмон эмас.
- АХМАД - Хар йили таъмирлаймиз.
- ҚОДИР - Бошқа рангга алмаштирмаганимиз учун, ишларимиз қийин бўлмайди.
- АХМАД - Биронтаси сўраб қолса, Германияга кетганимни айтарсан. Исmlарини ёзиб олсанг, хурсанд бўламан. Бир хафтада қайтади, дейсан. *(Чўнтагидан олдиндан тайёрлаб қўйган бир миқторда пулни чиқариб, устага узатади. Қанақадир қозоғзни ҳам чўнтагидан чиқаради)* Санагинчи. Мана бу ерга имзо қўй. Иш битганидан кейин, қолган пулларни Турғутбейдан оласан. Бирон бир масала пайдо бўлса, Турғутбейга мурожат қиласан. Зотан у ўзи ҳам тез тез келиб хабар олиб туради. Нукул Тахсин устани яхши кўраман дейди.
- ҚОДИР - Исмим Қодир, Доктор бей!
- АХМАД - Ха, айтгандай... Хеч исмингини эслаб қололмадим.
- ҚОДИР - Мен сизга ўз махоратимни кўрсатиб, шундай иш қилайки, мени исмимни бир умрга эслаб қоласиз, Доктор бей.
- АХМАД - Бу калитлар кираверишдаги эшикнинг калитлари... Чиқишда ҳамма эшикларни назорат қилиб, текшириб олгин. Сувга ҳам эҳтиёт бўлгин. Ўтган сафар котиба сувни очик қолдирган экан, пастдаги қавватдаги хонадонни сув босибди. Анча зиён кўргандим. Ошхонада керакли ҳамма нарса бор. Чой, шакар... Хохлаганча ичинглар. Хаммасини айтиб бўлдим, шекилли?

ҚОДИР - Хотиржам сафарингизга бориб келинг.  
АХМАД - Имкони бўлишича Германиядан телефон қиламан. Яхши қол.  
ҚОДИР - Рахмат Доктор бей. Яхши боринг.

*Ахмет чиқади. Қодир “Худога шукур” дегандай, эшикни ётиб, ўтиради. Эшик қўнгироғи янграйди. Қодир эшикни очади. Яна Ахметбей қандайдир ховотирли қиёфала турибди.*

ҚОДИР - Хуш келдингиз, Доктор бей.  
АХМАД - Кечалари деразаларни очиқ қолдирманглар. Шамол кўтарилиб, ойналар синади. Мен сенга ишонаман. Ишонмасам, калитларни сенга берармидим.

ҚОДИР - Менга ишонаверинг, Доктор бей!

*Ахмад чиқади. Қодир эшикни қайтадан ёпади. Бироздан кейин эшик қўнгироғи яна жириглайди. Ахмад эшикдан бошини ичкарига суқади.*

АХМАД - Чой ичасизлар... Чой дамлаш учун газни ёқиб ташқарига сув олиб келгани чиқманглар. Газ ўчиб қолса нима бўлади?

ҚОДИР - Захарланмиз, Доктор бей.

ҚОДИР - Энг қўрқинчилиги, захарланиш эмас, газ портлаши мумкин.

*Ахмад чиқади. Қодир эшикни қайтадан ёпади. Бироздан кейин эшик яна жириглайди. Қодир эшикни очади. Гул криб келади.*

ҚОДИР - Сенмидинг?

ГУЛ - Бошқасини кутаётганмидинг?

ҚОДИР - Яна доктор келдими, деб ўйлабман.

ГУЛ - Бироз олдин, чиқиб кетаётган бир одамни учратдим. Ўша бўлса керак. Жуда ҳам асбийди.

ҚОДИР - Ха, айнан ўша.

ГУЛ - Мени туртиб ўтиб кетди... “Бу тентак таъмирлай олмаса керак” деб, ўзига ўзи гапираётганди.

ҚОДИР - Бўлмасам, у эмас. Мен хақимда у яхши фикрдайди... Одамни топдингми?

ГУЛ - Гаплашдим. Зотан, кирачилар ҳам уйни бир ой ичида бўшатишар экан.

ҚОДИР - Яхши.

ГУЛ - Нимаси яхши? Кичкина жой экан, икки хонали уй. Уйнинг эгаси ҳам жуда қайсар экан. Қанча илтимос қилсам ҳам, ҳеч айтганидан пастга тушмади.

ҚОДИР - Борига шукур. Бўлаверади.

ГУЛ - Бир йиллик кирани олдиндан олармиш.

ҚОДИР - Бу ёмон хабар.

ГУЛ - Энди нима қиламиз? Бунча пулни қаердан оламиз? Яна икки-уч кунда пулни топишимиз керак. Агар бу пулларни тополмасак нима бўлади.

- ҚОДИР - Доктордан озгина пул олдим. *(пулни узатади)* Иш тугаши билан қолган пулларни ҳам оламан. Уйда ҳам озгина йиғиб қўйганим бор.
- ГУЛ - Уйдаги пулни хисобга олманг. Бир ойлик харажатга ҳам етмайди.
- ҚОДИР - Бирон нарсамизни сотсак-чи?
- ГУЛ - Сотиладиган нимамиз борки?
- ҚОДИР - Кўрпа-тўшак... гиламча...
- ГУЛ - Бўлмайди... Арзимаган пул бўлади.
- ҚОДИР - Отангдан сўрасангчи?
- ГУЛ - Нафақада бўлса...
- ҚОДИР - Балким йиғиб қўйгани бордир?
- ГУЛ - Агар пули бўлганида, етмишга кирган чол иш қидирармиди? Қарз оладиган биронта таниш ҳам йўқ. Қарз олсак кейин қандай тўламиз. Балким аканг Сафетдан сўрармиз?
- ҚОДИР - Бўладиган ишни гапир! *(Асабийлашадилар. Чорасизлик. Телефон жиринглайди)* Ало!? Эшитаман. Ахмет бейнинг шифохонаси... Ўзлари Германияга кетишди. Бир хафтадан кейин келишади. Хўп бўлади... *(ёзади)* Айтиб қўяман. *(Телефонни қўяди)*
- ГУЛ - Хар бир дардга давоси топилар. Хафа бўлма, бир йўлини топамиз.
- ҚОДИР - Ошхонада ҳамма нарса бор. Бир чой дамла, ичайлик.

*Гул ошхонага ўтади, Қодир хафа бўлиб бошини эгиб ўтиради. Гул хонага қайтади. Эрининг хафалигини кўриб, кайфияти тушади.*

- ГУЛ - Кошкий доктор бўлсайдинг. Бу уй муаммоси хал бўлармиди? Унда менга уйланмасдинг.
- ҚОДИР - Бўлмагур гаплани гапирма.

*Қодир хафа бўлиб ўтиришида давом этади. Гул атрофни кўздан кечириб, шкафда осилиб турган шифокор халатини кўради. Халатни қўлига олиб томоша қилади.*

- ГУЛ - Сизга жуда ҳам ярашарди. Кийиб кўринг шуни.
- ҚОДИР - Қўйсанг-чи...
- ГУЛ - *(Ўз қўли билан кийдиради.)* Вой...вой... Жудаям ярашди. *(Котибанинг фартугуни кияди.)* Амрингиз борми, Доктор бей?
- ҚОДИР - *(Қодирга бу кийим ёқади. Доктор қиёфасига киради)* Чой хохляпман.
- ГУЛ - Хозир амрингизни бажо келтираман, Доктор бей. Чойингиз лимонли бўлсинми?
- ҚОДИР - Нега сўрайсан. Биласанку, лимонсиз чой ичмайман.

*Бу ўйин иккаласига ҳам ёқиб тушади. Бироз жимликдан кейин, бирданига бирагилда кулишни бошлашади. Кейин эса бирдан жиддийлашиб кулишдан тўхташади. Эшикнинг қўнгироғи янграйди. Гул эшикни очади. Халит ичкарига кириб, ерга ўзини ташлайди.*

- ГУЛ - Қодир!!!
- ҚОДИР - *(Чопиб келади.)* Ким бу?
- ГУЛ - Билмадим.

ҚОДИР - *(Ётган одамни қўли билан туртиб кўради)* Тирик. Ичкарига олиб кирайлик.

*Эри-хотин касални ичкарига олиб киришади. Касал ётадиган столга ёткизишади. Кодир беъмор Халитнинг тугмаларини ечади. Қулоғи билан унинг юрагини эшитиб кўради.*

ҚОДИР - Жуда хам секин урмоқда.

ГУЛ - Нима қиламиз?

ҚОДИР - Столнинг нариги томонида нашатир бор, олиб кел.

*Гул нашатирни олиб келади. Қодир беъморни ўзига келиши учун унга хидалатади.*

ҚОДИР - Бирон бир докторни чақирайлик.

ГУЛ - Хозир докторни қаердан топамиз. *(Халитнинг чўнттагларини қўвлайди)*

ҚОДИР - Нима қилаяпсан?

ГУЛ - Балким бирон бир дориси бордир.

*Гул дорини топади. Қутидаги ёзувларни ўқиб, бир донаси Халитнинг тили тагига ташлайди.*

ҚОДИР - Ўзига келаяпди.

ХАЛИТ - Қаердаман?

ГУЛ - Гаплашманг.

ҚОДИР - Хотиржам бўлинг.

ХАЛИТ - *(Туришга харакат қилади)* Яхшиман...

ГУЛ - Қимирлама...

ХАЛИТ - Менга нима бўлди?

ГУЛ - Хушингиздан кетиб қолдингиз.

ХАЛИТ - Бундай бўлиши аниқ эди.

ҚОДИР - Гапирманг... Дерезани беркит... Совуқатмасин.

*Гул дерезани ёпади. Халитнинг боши тагига ёстиқ қўяди.*

ХАЛИТ - Ўтиб кетди. Энди яхшиман. Бизни неварога совға олмоқчи эдим, неварам эртага саккиз ёшга киради. Ташаккур... Хаётимни кутқардингиз.

ҚОДИР - Хеч нарса қилганимиз йўқ.

ГУЛ - Вазифамизни бажардик, холос.

ХАЛИТ - Кам бўлманглар... Энди мен борай.

ҚОДИР - Бироз яна дам олинг.

ХАЛИТ - Доримни хамиша ёнимда олиб юраман. Сал сиқилиб қолсам, хамон биттасини тилимнинг тагига ташлайман.

ҚОДИР - Нега хамон дорини ичмадингиз, бўлмасам?

ХАЛИТ - Билмадим... Чарчоқдан бўлса керак, улгурмадим... Дуконлар одамлар била лик тўла... Одамлар худи бирон бир нарсадан курук қолаётгандай, шошгани шошган. Яна айтишларча, қимматчилик бошланибди. Бўлмасам одамлар нега бунчалик шошиб қолишмоқда.



Мен ҳам шошилинчда, ўзим билмаган ҳолда бу ерга келиб қолибман.

ҚОДИР - Омадингиз бор экан.

ХАЛИТ - Умр охирлаб бораяпди. Бир куни, бирдан, кутилмаганда ўламиз.

ГУЛ - Аллох кўрисин!

ҚОДИР - Сиз бирдан, кутилмаганда ўлиб кетадиганга ўхшамайсиз. Кўз тегмасин, кўчқордексиз.

ХАЛИТ - Кўчқор деганинг нимаси!? Хўкиздек соғлом дея вер.

ҚОДИР - Астафурлох.

ХАЛИТ - Мен энди борай.

ҚОДИР - Яхши. Фақат эҳтиёт бўлинг.

ХАЛИТ - Мана бу ташриф картимни олгин. Керак бўлиб қолади.

ҚОДИР - *(кулади)* Яхши... Лекин мени экин экадиган далам йўқ.

ХАЛИТ - *(хурсанд бўлиб)* Бу гапинг менга ёқди. Хар эхтимолга қаршт олиб қявер. Сен ўзингни ташриф картингни бер. Шошма ўзим оламан *(Стул устидаги коғозлар ва иш ашёлар орасидан ташриф картини олади. Ўқийди)* Доктор Ахмад Атак.

ҚОДИР - Халиги, мен...

ХАЛИТ - Халиги -палигиси йўқ. Мен хаётмни қутқариб қолган инсонинг “халиги-палиги”си бўлмайди. Айтинг, қанча пул бершим керак?

ҚОДИР - Қанақа пул?

ХАЛИТ - Нима хайрияга, қизил ойга хизмат қиляяпсанми?

ГУЛ - Афандим...

ХАЛИТ - *(Чўнтагидан бир миқдор пул чиқариб столга қўяди)* Арзимаган нарса. Ташаккур дегани. Бу яхшилигингизга қарз бўлиб қололмайман. Бўлди мен кетдим. Қизим кузатиб қўй.

ГУЛ - Марҳамат афандим. *(Чиқши эшиги томон юришади. Гулга ҳам бир миқдор пул узатади)*

ХАЛИТ - Ол. Бу сенга.

ГУЛ - Қандоқ бўларкин?

ХАЛИТ - Олавер... Ўзинга бир нарсалар оларсан.

ГУЛ - Лекин...

ХАЛИТ - Жахлимни чиқарма!

*Халит пулни Гулни қўлига тутқзади ва эшикдан чиқиб кетади. Гул эшикни ёпади. Ичкарида стол устидаги пулларни санаётган эрининг олдига келади. Гул қўлидаги пуларни эрига кўрсатади.*

ГУЛ - Бу ҳам хизмат хақи.

ҚОДИР - Жоним...

ГУЛ - Амрингиз борми Доктор бей.

ҚОДИР - Ха котибам. *(Иккаласи мазза қилиб кулишади)*

ГУЛ - Буюринг Доктор бей!

ҚОДИР - Бўлди қил *(ташриф картини ўқийди)* Халит Акар. Сепа холдинг. Бош директор.

- ГУЛ - Вой жоним!
- ҚОДИР - Бизнинг “хўкиз”, Бош директор экан.
- ГУЛ - Ўзи шунга ўхшаб турганди. Яна балога қолмайлик?
- ҚОДИР - Нима бўлиши мумкин?
- ГУЛ - Ахир уни пулини олдик.
- ҚОДИР - Ўзи берди.
- ГУЛ - Тўғри. Лекин биз била туриб олдик.
- ҚОДИР - Тўғри... Лекин бошқа томондан олиб қарасак, биз унга қийин ахволга тушиб қолганида ёрдам бердик. Уйга бориб бўлиб ўтган ишларни гапириб беради. Агар яна шифо истаб келиб қолсачи? Унда нима қиламиз?
- ГУЛ - Нега келар экан?
- ҚОДИР - Яъна “ташаккур” қилгани. Ахир “хаётимни қутқариб қолдиларинг”, деди-ку.
- ГУЛ - У шахсий доктори бўлса керак.
- ҚОДИР - Лекин, мана кўрасан яна келади.
- ГУЛ - Келса, келаверсин. Жуда бўлмаса, бор ҳақиқатни айтамиз. *(Эшикнинг ёнида, ерда портфельни турганини кўради.)* Эйвоҳ! Халит бейники шекили?!
- ҚОДИР - Ичида пули бўлсачи?
- ГУЛ - Кошкийди.
- ҚОДИР - Бу нима деганинг.
- ГУЛ - Уйни кирасини бира тўла тўлардик.
- ҚОДИР - Жини бўлдингми? Оширвординг.
- ГУЛ - *(Портфельни ичига қарайди)* Хурсанд бўлинг. Пул йўқ экан.
- ҚОДИР - Бу ёққа бер. Буни нима қилсак бўларкин.
- ГУЛ - Нима ҳам қилардик... Телефон қиламиз.
- ҚОДИР - Балким бу қоғозлар жуда ҳам кераклидир... Хурсанд бўлганидан, балким бизга совға сифатида бир миқдор пул берар.
- ГУЛ - Бунчалик “хўкиз” бўлмаса керак?!
- ҚОДИР - Ким билади...
- ГУЛ - *(Портфельни олиб, телефон қилишига тушади)* Ало?! Халит бейнинг уйими? Мен Ахмед бейнинг шифохонасидан кўнғироқ қилаяпман. Йўқ... Йўқ. Кўрқинчли ҳеч нарса бўлгани йўқ, хонимафанди. Халит бей бу ерга келганди, портфелини унутиб қолдирибди. Ўзлари билишади. Хўп бўлади, хонимафанди. Яхши қолинг... *(телефони қўяди.)*
- ҚОДИР - Шу устингдаги кийимни ечиб қўй. Яна қутилмаган воқеалар бўлмасин.

Гул ҳамшира халатини ечиб жойига осиб қўяди. Қодир иш кийимини кийиб, бўяшга киришмоқчи бўлади. Қилинадиган ишларни мўлжаллаб олиш учун хонани кўздан кечиради. Хонанинг бир четидан турган шкафни очиб кўради.

- ГУЛ - Бўяшни бошламоқчимисиз?

ҚОДИР - Ха.  
ГУЛ - Чой ичмоқчи эдингиз.  
ҚОДИР - Агар ишни бошламасам, жинни бўлиб қоламан. Бу уй кирраси ташвиши мени қийнамоқда.

Хонага олиб келган икки қанотли нарвонга чиқади. Бўёқларни бўяш учун хозирлайди

ГУЛ - Тўхтанг! Шошилманг...

Эшиқ жиринглайди. Эр-хотин бир бирларига кўп маъноли қараб қўйишади. Гул чиқиб эшикни очади. Халит кириб келади.

ҚОДИР - Халит бей?!  
ХАЛИТ - *(Хонани ва Қодирнинг ишчи киймларини биров хайрон бўлиб кузатади)* Сиз?! Бу ахволда!? Браво! Қоил! Агар ҳамма сиздай ҳаракат қилса, бу мамлакат ривожланиб кетади. Ўз иш жойингизни ўзингиз бўяшингиз, мақтовга лоиқ. Доктор бей, сизга бўлган хурматим яна ҳам ошди. Бу кўрганларимни ҳаммага гапириб бераман. Доктор бир томондан касалларни даволаса, иккинчи томондан, бўш вақт бўлиши билан, таъмирлаш ишлари билан машғул бўлади... Қоил... Мен бу ерга нега келганимни унутиб қўйдим.

ГУЛ - *(Портфелни кўрсатиб)* Мана буни унутибсиз.

ҚОДИР - Тўғри... Шунинг учун уйингизга телефон қилиб хабар бердик.

ХАЛИТ - *(Портфелни олади)* Ташшаккур қизим... Сизларни ишдан қўймай. Яхши қолинглар.

Халит эшикка қараб юради. Гул уни эшикка қадар кузатиб қўяди. Халит энди чиқмоқчи эди, кутилмаганда полициячи Нуртенни кучоғида кўтариб кириб келади

ПОЛИЦИЯЧИ - Йўл беринглар...

ХАЛИТ - Шифосини берсин.

ПОЛИЦИЯЧИ - Беъмورни қаерга ётқизайлик?!

ГУЛ - *(Жойни кўрсатади)* Мана бу ерга ётикизинглар.

*Нуртенни Гул кўрсатган жойга ётказилади. Аёл хушсиз ётибди*

ПОЛИЦИЯЧИ - Доктор бей!

ХАЛИТ - Мен эмас!

ПОЛИЦИЯЧИ - Қаерда?!

*Халит қўзлари билан Қодирга ишора қилади.*

ХАЛИТ - Ўхшата олмадингизми Маъмурбей? Инсонларни кийимларига қараб кимлигига баҳо бериш одатий хол бўлиб қолбди, азизим. Шу киши докторимиз бўлади.

ПОЛИЦИЯЧИ - Узр сўрайман. Бўёқчи кийимида бўлганингиз учун, танимабман.

ХАЛИТ - Сиз хам Доктор бейни Бўёкчи деб адаштириб юбордингизми? Бу уста аслида Доктор бўлади. Мана сиз, ўз ишхонангизни бўяганмисиз?

ПОЛИЦИЯЧИ - Йўқ афандим. Менинг ишхонам, маълумки махсус автомашинанинг ичидир.

ҚОДИР - Хоним афандига нима қилди?

ХАЛИТ - Машанадан тушиб қолди.

ҚОДИР - Хушидан кетганга ўхшайди.

ХАЛИТ - Худо хохласа, бирон бир оғир шикаст емагандир?

ПОЛИЦИЯЧИ - Боши устига тушмади. Яна билмадим. Текшириб кўриш керак.

ХАЛИТ - Сизни кўнглингиз хотиржам бўлсин, Маъмур бей. Доктор бей нима керак бўлса ҳаммасини қилади. Қаерда ишлайсиз?

ПОЛИЦИЯЧИ - Шу яқиндаги минтақада ишлайман. Бугун биринчи кун, ишга чиқишим. Беъморни минибусдан тушиб қолганини кўрдиму, шу ерга шошилиб олиб келдим.

*Бу орада Гул ўзи хамширлик халатини кийиниб, Қодирга хам шифокорлик кийимини кийдиради.*

ХАЛИТ - Бу ёғига беъмор ишонарли қўлларда, хавотир олманг. Сиз хам ишингизга боринг. Мен хам сиз билан чиқа қолай.

ПОЛИЦИЯЧИ - Агар бизга хизмат бўлмаса, рухсатингиз билан, бора қолайлик, Доктор бей.

ҚОДИР - Халиги... Майли...

ПОЛИЦИЯЧИ - Яхши қолинг.

ХАЛИТ - Яхши ишланглар.

ГУЛ - Яхши боринглар.

ХАЛИТ - *(Чиқаётиб Полициячига)* Бу Доктобей, хақиқий доктор! Мен уни яхши биламан. Мени ўлимдан қутқариб қолди.

*Халит билан Полициячи чиқишади. Гул уларнинг орқасидан эшикни беркитади.*

ҚОДИР - Энди нима қиламиз?

ГУЛ - Ўзига келтирамиз... *(нашатир спирти хийдлатишади. Қодир беъморнинг турли нозик ерларини уқалай кетади)* Ўзингизга келинг, нималар қилаяпсиз?

ҚОДИР - Ўзига келтираяпман.

ГУЛ - Шундай қилибми?

ҚОДИР - Мана бўлмасам, ўзинг хушига келтир.

ГУЛ - Ўзига келаяпти.

НУРТЕН - Қаердаман?!

ҚОДИР - Шу ердасиз.

НУРТЕН - Шу ер... Қаер?

ҚОДИР - Бу ер шифохона.

НУРТЕН - Бу ким?

- ГУЛ - Котиба.
- НУРТЕН - Кимнинг котибаси?
- ҚОДИР - Менинг.
- НУРТЕН - Сиз кимсиз?
- ГУЛ - Доктор.
- НУРТЕН - Доктор-ми?
- ГУЛ - Ўхшата олмадингизми?
- НУРТЕН - Худоим!.. Мени нима ишим бор бу ерда?!
- ҚОДИР - Бир нохуш ходиса бўлибди.
- НУРТЕН - Мен қандай қилиб бу ерга келиб қолдим.
- ГУЛ - Биз олиб келмадик
- НУРТЕН - Ким олиб келди?
- ҚОДИР - Полициячи.
- НУРТЕН - Полициячи-ми? Эй, худоим!
- ҚОДИР - Хушингиздан кетган экансиз. Полициячи кўтариб олиб келди.
- НУРТЕН - Ўзи қани?
- ҚОДИР - Сизни қолдириб, ўз ишига кетди. Хотиржам бўлинг.
- НУРТЕН - Эсладим шекили... Бир минибусда эдим... Одам ликқа - тўла эди. Эшикни ёнида ўтиргандим... Бир катта одам ёнимга ўтириши билан эшик очилиб, мен... Ташқарига тушиб кетдим.
- ГУЛ - Худо сақлабди...
- ҚОДИР - Шифосини берсин...
- НУРТЕН - Тиззаларим оғрияпти.
- ҚОДИР - Синган бўлганида бундай тура олмасдингиз.
- НУРТЕН - Оғриқда йиғлаб юбормаслик учун ўзимни зўрға тутиб турибман.
- ҚОДИР - *(Беъмورни шикастланган оёқларини ушлаб кўради)* Кўкарибди.
- НУРТЕН - Нима бўлади энди, доктор?
- ҚОДИР - Яхши бўлади. Менга йод билан пахта олиб келинг... Гул хоним сизга айтаяпман. *(Гул йодни тоқчадан олиб жахл билан Қодирга узатади)* Пахта ҳам сўрагандим. *(Гул пахтани ҳам беради. Қодир пахтага йодни ботириб беъморнинг кўкарган ярасига суртмоқчи бўлади)* Бироз ачишади, сабр қиласиз...
- НУРТЕН - Вой...вой... ачишаяпти...
- ҚОДИР - Микропларни йўқ қилиш керак. Лутфан сабр қилинг. Гул хонум бинтни берасизми? Исмингизни айтинг, хоним афанди.
- НУРТЕН - Нуртен.
- ҚОДИР - Нуртен. Жуда ҳам гўзал исмингиз бор экан. Мен хозир сизни...
- ГУЛ - *(Гул уларнинг илиқ муносабатаридан газабланади)* Доктор бей сиз ичкарига кириб ишларингизни қилаверинг, мен ўзим беъморга қарайман.
- НУРТЕН - Доктор бей, илтимос, сиз ярамни боғланг.
- ҚОДИР - Кўриб турибсизку, Гул хонум. Беъморнинг истагини рад эта олмайман.

ГУЛ - *(Киноя билан)* Омадингизни берсин, Доктор бей. Мархамат, ичкаридаги ишларингиз қолиб кетмасин...

*Қодир Гулнинг вајсохатини сезиб, ичкарига кириб кетади. Гул беъморга муолажа қилмоқди.*

НУРТЕН - Жуда хам гўзал кўзлари бор экан.

ГУЛ - Ким хақида гапираяпсиз?

НУРТЕН - Бармоқларида узуги бормиди?

ГУЛ - Ким хақида айтаябсиз, деб сиздан сўраяпман.

НУРТЕН - Ким бўларди... Доктор бей.

ГУЛ - Мана шу докторни айтаяпсизми?

НУРТЕН - Нима бу ерда бошқа доктор борми? *(Гул билмаган холда газабланиб беъморнинг боғлаётган оёқларини сиқиб оғиртади)* Ох... Секинроқ... Унинг киприклари юрагимга мисли ўқдай ботгандай бўлди.

ГУЛ - Бўлмаган гап... Сезмабман...

НУРТЕН - Сезмайсизда... Хар кун кўравериб фарқида бормайсизда. Яқиндан оққан арикнинг қадри бўлмагани сингари.

ГУЛ - *(Беъморнинг оёқларини батар сиқади)* Шундай денг.

НУРТЕН - Охх! Секинроқ, хамшира... Доктор бейнинг хотини хунук бўлса керак. Ўзи хамиша шундай бўлади. Мен хам шу гўзаллик билан, бир бадбашарага турмушга чиқиб, ўн беш йил умримни хазон қилдим. Кейин, мени ташлаб кетди. Агар шу Доктор бейдек бўлганида алам қилмасди. Охх!.. Оғрияпди...

ГУЛ - Бўлди... Боғлаб қўйдим. Энди хохлаган ерингизга кетаверинг.

НУРТЕН - Доктор бейни чақиринг.

ГУЛ - Нима қиласиз, Доктор бейни. Қучоқлашиб хайрлашасизми?

НУРТЕН - Рахмат демоқчиман.

ГУЛ - Мен айтиб қўяман.

НУРТЕН - Ўзим ташаккур қилмасам бўлмайди. Хизмат хақини хам ўзларига бераман.

ГУЛ - Мен бериб қўяман, кўнглингиз тўқ бўлсин.

НУРТЕН - Йўқ, ўзим бераман, дедим-ку...

ГУЛ - Сиз бера олмайсиз...

НУРТЕН - Бера оламан...

ГУЛ - *(Гулнинг жахли чиқади)* Қайсарлик қилма... муложани олдинг, чиқиб кетавер. Доктор банд.

НУРТЕН - Доктор бей!!! Бу ёққа қаранг! *(Қодир чиқади)*

ҚОДИР - Бу ерда нималар бўлаяпди?

НУРТЕН - Сиз билан кўриштирамаяпди.

ҚОДИР - Бу нима деганингиз?

ГУЛ - Нимаймиш... Докторнинг киприклари жуда хам гўзал экан... Қалбига ўқдай ботаётганмиш... Кошқийди шундай эрим бўлса эканмиш...

- НУРТЕН - *(Қодирга)* Бу аёлни қаердан топдингиз? Мижозларингизни хафа қилмоқда... Буни алмаштиринг, Доктор бей!
- ГУЛ - Бунга қара... Хали хам гапираяпдими? Чик бу ердан...
- ҚОДИР - *(Гулни чеккароққа тортади)* Лутфан Гул хоним.
- ГУЛ - Хооо. Сал бўлмаса, хурсандлигингиздан оғзингиз кулоғингизга етиб боради.
- ҚОДИР - Қўчаларда қолиб кетмайлик, деб ҳаракат қиляяпман... Сен бўлсанг..
- ГУЛ - Сизни нимага ҳаракат қилаётганингизни кўриб турибман.
- ҚОДИР - Ноҳақсан...

*Нуртен бу иккисининг орасидаги жанжалнинг мохиятини тушунишига ҳаракат қилиб, уларга тикилганча туради. Кейин, Қодирнинг ёнига келиб гапиреди.*

- НУРТЕН - Мен сизга катта раҳмат айтаман, Доктор бей!
- ҚОДИР - Арзимамайди, Нуртен хоним.
- ГУЛ - Тавба, исмини билиб олганига ўлайми?
- НУРТЕН - *(Пулни узатади)* Мана бу етадимми?
- ҚОДИР - Хатто ортиғи билан.
- ГУЛ - Аслида муложа учун бу кам, хаммасини беравер.
- НУРТЕН - Мени ҳасис деб ўйляяпсизми? Мана буни хам олинглар. Яхши қолинг Доктор бей. *(Қодирга яқинлашиб қулогига бир нималарни гапиреди)* Бу хамширанинг жавобини беринг, акс холда мижозларингиз келмай кўяди.
- ҚОДИР - Хўп бўлади... Яхши боринг. *(Нуртен бир нарсаларни пичирлаб чиқиб кетади. Эшикни ётиб, гулга юзланади)* Сен жинни бўлиб қолдингми? Сал бўлмасам балога дучор бўлардик.
- ГУЛ - Сал бўлмасам, бу аёлга севги исхор этардингиз. Уятсиз...
- ҚОДИР - Бу асоссиз рашқинг жонимга тегди! Бир соат хам сенсиз хаёт йўқ... Хатто иш жойимда хам тинчлик йўқ. Хар доим бир баҳона топиб, ишимга аралашасан.
- ГУЛ - Тўғри қиламан! Кўз ўнгимда уялмасдан аёлга хушомад қиляяпсиз. Агар мен ёнингизда бўлмасам, сиздан ажралиб қоламан.
- ҚОДИР - Мен фақат оёғида синиғи йўқмикан, деб қараётгандим.
- ГУЛ - Ўз кўзим билан кўрдим, кандоқ қилиб пайпаслаётганингизни.
- ҚОДИР - Шу гаплар сенга ярашадими? Ахир хаётмиз бироз бўлса хам яхшилаш учун, бор кучимни бериб меҳнат қилсаму, сендан шундай тухмат эшитсам.

*Қодир бу гаплардан кейин хафа бўлгандай четга ўтиб ўтиради. Бир оз сукунатдан сўнг Гул унинг ёнига келади*

- ГУЛ - Нима қилай? Мени қўлимда эмас. Рашқ қиламан сизни. Иш ҳақида гаплашайлик. Агар бир кунда ўнта касални кўриб чиқсангиз, уй муаммосини хал қилган бўлардик. Нима дейсиз?
- ҚОДИР - Ақилдан оздингми?

- ГУЛ - Нима қилибди. Мана hozir vaziyat ўзи шуни тақоза қилиб турибди. Шифохонада миз-ку. Hozir кўрдик, ишингизни аъло даражада бажардингиз.
- ҚОДИР - Бўлмайдиган ишни гапирма. Докторлик мураккаб касб.
- ГУЛ - Халил бей хам сизга ишонди, бошқалари хам. Доктордан хеч хам фарқингиз йўқ.
- ҚОДИР - Эплай олмайман...
- ГУЛ - Хохласангиз хаммасини эплайсиз.
- ҚОДИР - Нималар деябсан? Ахир диагноз кўйиш керак, рецепт ёзиш керак.
- ГУЛ - Шу хам муаммо бўлдимми? *(Столнинг тортмасидан рецепт учун махсус қоғозларни олиб Қодирга кўрсатади)* Қандайдир зарарсиз, беозор дориларни ёзиб берасиз. Масалан, аспириин... Зотан, хуснихатингиз хам докторларникига ўхшаб зўрға ўқилади.
- ҚОДИР - Бўёқ ишларини ким қилади?
- ГУЛ - Уни хам биз бажармиз.
- ҚОДИР - Қандоқ қилиб? Қачон ишлаймиз?
- ГУЛ - Тунда...

*Эшик жириглайди. Эр-хотин кўпмаъноли бир бирларига қараб олишади. Гул эшикни очади.*

- ҚОДИР - Шошма, мен ичкарига кириб киймни алмаштирай.
- ГУЛ - Хуш келдингиз...
- ТУРГУТ - Хайрли оқшом.
- ГУЛ - Тургут бей?!
- ТУРГУТ - Халигача бўёқни бошламабсизлар. Бу халатни нега кийиб олдингиз? Ха, кийимларингиз кир бўлмасин деб кийгандирсиз. Лекин айтиб қўяй, котибага бу ишингиз ёқмайди.
- ГУЛ - Ечиб қўя қолай.
- ТУРГУТ - Қодир уста кўринмайди?
- ГУЛ - Hozir чақираман. *(Бошини ичкарига суқуб)* Тургут бей келди.
- ҚОДИР - *(Ичкаридан чиқиб келади. Бўёқчининг кийимини кийиб олган.)* Хуш келдингиз Тургут бей.
- ТУРГУТ - Хуш кўрдик, Қодир уста.
- ҚОДИР - Ишни энди бошлаймиз, деб тургандик.
- ГУЛ - Чоймиз дамланган. Олиб келайми?
- ТУРГУ - Майли. Ичсак ичибмизда.

*Гул ошхонадан чой олиб келишга чиқади. Қодир билан Тургут ўтиришади*

- ҚОДИР - Ўзингиз яхшими?
- ТУРГУТ - Мени кўйинг. Бу Ахмет жуда хам асабийлашган. Мени уялтрима.
- ҚОДИР - Кўнглингизни тўқ қилинг. Хаммаси яхши бўлади.
- ТУРГУТ - Авансини олибсан.
- ҚОДИР - Олдим.
- ТУРГУТ - Қолганини эса ишни битганидан кейин, мендан оласан.



- ҚОДИР - Рахмат, Турғут бей.  
ТУРГУТ - Уй масаласи нима бўлди?  
ҚОДИР - Топдик.  
ГУЛ - (*Чойни олиб келиб Турғут бейга узатади*) Мархамат.  
ТУРГУТ - Ташаккур қизим. Уйга кўчиб ўтингларми?  
ҚОДИР - Бироз камчилигимиз бор. Масала хал бўлиши билан ўтамиз.  
ТУРГУТ - Аллох ёрдамчингиз бўлсин. Уйсизлик жуда хам қийин. Бирон бир дўкон очсанг бўлармиди, Қодир уста.  
ҚОДИР - Қанақа дўкон, Турғут бей.?!  
ТУРГУТ - Хўжалик моллари дўкони. Бўёқлар, таъмирлаш учун ашёлар...  
ҚОДИР - Осон эканми, Турғут бей. Бундай ишлар учун сармоя керак бўлади.  
ТУРГУТ - Кичкина, майда ишлардан бошлайсан. Асата - секин ишлар ривожланади, катталашади.  
ҚОДИР - Қани энди, айтганларингиз амалга ошса. Хеч бўлмаса қўлингизда иш бошлаш учун озгина пул керак бўлади. Лекин...  
ТУРГУТ - Рахмат қизим, чой ширин бўлибди.  
ГУЛ - Ош бўлсин. Яна олиб келайми?  
ТУРГУТ - Ташаккур, қизим. Мен энди борай. Яна келарман. Бу ерларни сизларга ишондим.  
ҚОДИР - Хотиржам бўлинг, хаммаси яхши бўлади. Соғ бўлинг, доктор бей  
ГУЛ - Яхши боринг.

*Турғут чиқиши билан Гул эшикни беркитиб, докторлик халтини олиб, қатиатлик билан эрига буюруқ беради.*

- ГУЛ - Қани мана буни кийиб олинг, Доктор бей.  
ҚОДИР - Жинни бўлиб қолдингми?!  
ГУЛ - Бўлинг тезроқ. Хозир мижозлар келиб қолиши мумкин.  
ҚОДИР - Нима сен мени қаматмоқчимисан? Ол буни! Шифокорлик қилармишман. Балким жаррохлик хам қиларман. Қўлга тушсам, нима қиласан?  
ГУЛ - Хеч бало бўлмайди. Қайси мижоз докторнинг дипломини сўрабдики, сизда сўрашсин.  
ҚОДИР - Сен олдин бўлиб ўтган ишлардан қандоқ қилиб қутиламиз, шуни ўйлагин. Ахмед бей бир хафтадан кейин қайтиб келса, нима деган одам бўламиз.  
ГУЛ - Ўн йилдан бери бўёқчилик қиласиз. Агар шунча пайтдан бери ишлаган жойларингизда бир қути бўёқ олиб келганингизда, бугун ўз уйимизга эга бўлардик.  
ҚОДИР - Мен ўғри эмасман! Бугунгача номусимга, виждонимга қарши иш қилмадим. Мен ўз хаётими қоронлугга олиб кирмайман.  
ГУЛ - Ярим кечагача ўқиган китобларингизни ёруғ дунёсини назарда тутаяпсизми? Бу кетишда охири кўчада қоламиз.

*Гул йиғламочқчи бўлади. Асабийлашиб у ёқдан – бу ёққа юради. Эшикни устидаги калитни олиб кетади. Қодир, эшик ёпилиб, Гул чиққанлигини англайди.*

ҚОДИР - Гул! Гуууул! Калитларни хам олиб кетибди. Энди нима қиламан?

*Жахли чиқиб, нима қиларини билмай, бўёқни бўяшга киришади*

## II

### ИККИНЧИ КУН

Эрталаб. Хонанинг бўёқ ишлари тугаган. Қодир, беъморлар учун махсус стол устида ухламоқда. Гул кириб келади. Кўлидаги пакетни ошхонага олиб бориб, чойнакни оловга кўяди. Қодир ётган хонага ўтиб, кулимсираб, бир оз эрининг ухлашини кузатади. Аста секин, шовқин қилмай, атрофдаги тўкилиб ётган ашёларни йиғиштиради. Атрофни супириб, тозалаладан кейин яна ошхонага ўтади. Чой дамлаб, патнисга жойлаштириб, хануз ухлаб ётган эрининг олдига келади.

ГУЛ - Қодир уйғонинг энди... Қани, турақолинг!!

ҚОДИР - *(Кўрқанидан сапчиб туради)* Нима бўлди..? Нима бўлаяпди..?

ГУЛ - Хеч нарса бўлаётгани йўқ!

ҚОДИР - Ха... Санмидинг?

ГУЛ - Нимадан кўрқидигиз?

ҚОДИР - Тушимда бизни уйдан хайдашаётган экан. Онам болалар билан бирга ўзини булдозернинг тагига ташламоқчи бўлиб турвоган экан. Сен эса томга чиқволиб ўзингни ёқиб ташламоқчи экансан.

ГУЛ - Уйни кирага берувчилар булдозер билан хайдашмайди-ку?!

ҚОДИР - Бу туш-ку! Тушда сендан сўрамай, хохлаган нарсаси билан хайдай веради.

ГУЛ - Кеча нега уйга келмадингиз.

ҚОДИР - Иш билан овора бўлиб, чарчаб, шу ерда ухлаб қолибман.

ГУЛ - Агар уйқига тўймаган бўлсангиз, ухлашда давом этинг.

ҚОДИР - Соат неча бўлди?

ГУЛ - Ўн икки бўлаяпди...

ҚОДИР - Ухлаб қолибман...

ГУЛ - Мана сизга чой, ширинликлар олиб келдим.

ҚОДИР - Хозир юз-қўлимни ювиб олай.

*Қодир ташқарига чиқиб, бироздан кейин сочиқ билан юзини артганча қайтиб келади. Бу орада Гул атрофни йиғиштиради.*

ГУЛ - Мен хеч хам ухлай олмадим.

ҚОДИР - Ухламай томга чиқиб ўзингни ёқмоқчи бўлдингми..?

ГУЛ - Ха... Худди шундай! Сиз мен билан хазилашманг... Мен туни билан виждон азобида ухлай олмадим. Сизни бир ўзингизни бу ерда қолдириб кетганимдан маънавий азоб чекдим.

- ҚОДИР - Ростанми?!
- ГУЛ - Ха... Сиздан шундай қилганим учун узр сўрайман, Қодирбей.
- ҚОДИР - Узринг қабул қилинмади, хоним афанди.
- ГУЛ - Сиз хақсиз. Мен кечириб бўлмас хато қилдим...
- ҚОДИР - Йўқ... Сен тушунмадинг, жоним. Мен сен хақсан ва узр сўрайдиган иш қилмадинг демоқчиман.
- ГУЛ - Тушунмадим?!
- ҚОДИР - Нимасини тушунмайсан. Ахир сен бир она бўла туриб болаларинни уйда ташлаб, мен билан бу ера қололмасдинг. Аслида мен уйга болаларим ва сени олдинга боролмаганим учун узр сўрашим лозим.
- ГУЛ - Бу нима деганингиз?
- ҚОДИР - Сен бўлмасанг, менга бу хаёт қоронғу.
- ГУЛ - Яъни мендан хафа эмассиз?
- ҚОДИР - Аксинча, ўзимдан хафаман. Бир ота болалари учун хар нарсага тайёр бўлиши керак. Керак бўлса қамақхонага тушишга хам... Керак бўлса докторлик қилишга хам... Бир кунга шунча пул ишладик. Қани мени докторлик халатим? Олиб кел докторлик кийимни...
- ГУЛ - Йўқ...
- ҚОДИР - Халатни олиб чиқ! Олдимизда хали докторлик тўрт иш куни бор.
- ГУЛ - Йўқ сиз докторликни бажара олмайсан... Керак эмас...
- ҚОДИР - Бажара оламанми, олмайманми, хали кўрасан... Мен лицейни тугатганман... Газет-журналларни ўқиб тураман... Озми-кўпми инсонларнинг рухиятини тушунаман. Ол шу ердан манабу таъмирлаш ашёларини. Бўлди доктор бёморларни қабул қилишни бошлайди... Анқайма...
- ГУЛ - Қандоқ бўларкин?
- ҚОДИР - Бўла қол энди... Анқайма! Балким хозироқ биронта бёмор келиб қолади.

*Гул шошилиб атрофни йиғиштира бошлайди. Ашёларни ичкарига олиб киради, бир оздан сўнг ошхонадан чой олиб чиқади.*

- ГУЛ - Чой ичинг!
- ҚОДИР - Қанақа чой?! Тезроқ хамширалик халатини кийиб ол! Менинг ёрдамчим бўлиб, бёморларни рўйхатдан ўтказиб, рецептлар ёзасан.

*Гул, бўлаётган ишларни англаб, тезда хамшира-котиба қиёфасига кириш учун халатни кияди, у ёғ-бу ёгини тўғирлаб ишга тайёр бўлиши билан эшикнинг қўнғироғи янграйди.*

- ҚОДИР - Ана холос! Тезроқ ўзингни тайёрлаб ол. Довдирама! Хотиржам бўлиб эшикни оч.
- ГУЛ - (Эшикни очади) Мархамат.

МУСТАФА - *(Шошилиб ичкарига киради)* Мен...

ГУЛ - Эштаман...

МУСТАФА - Доктор бей қани?! Доктор бей! Уни кўришим керак.

ГУЛ - Хўп бўлади. Сиз бу томонга ўтинг. Мана бу ерга ўтиринг.

Мустафа ўтиради. Ичкаридан Қодирнинг овози келади

ҚОДИР - Ким келди?!

ГУЛ - Бир беъмор.

ҚОДИР - Ичкарига олинг.

ГУЛ - Ичкаридамиз Доктор бей!

МУСТАФА - Сув беринглар!

ГУЛ - Хохласангиз чой берай.

МУСТАФА - Фақат сув.

Гул ошхонадан сув олиб келгани чиқади. Мустафа аста секин деразани ёнига келиб, яширинча ташқарига мўралайди. Нимадандир кўрқади.

МУСТАФА - Ей вох!

ГУЛ - *(Қодирга)* Сув ичгани келибди. Ичиб кетаверсин.

ҚОДИР - Нега кетар экан?! Уни текшириб кўраман. Анализларини оламан. Бир касалини топамиз.

ГУЛ - Қўрқиб кетаяпман Қодир. Бу одам ғалати бўлиб қолибди... Худди бировлардан кўрқиб, яширинаётганга ўхшайди. Тентакроқми ей?

ҚОДИР - Балким азроилдан қочишга урунаётгандир. Жуда яхши... Бор сувини бер. Кейин докторнинг хонасига текшириш учун олиб кир. Бўла қол, довдирама!

Гул бир бардоқда (стакан) сув олиб Мусатафанинг ёнига келиб, узатади. Мустафа шошилиб сувни ичади.

МУСТАФА - Аллох рози бўлсин, раҳмат.

ГУЛ - Сизни Доктор бей кутяпди. Марҳамат.

Мустафа олдинда, унинг орқасидан Гул Докторнинг хонасига киришади. Қодир худди китобларда ўқиган қахрамонларидан бирининг қиёфасига киради.

ҚОДИР - Марҳамат бейафанди. Хуш келдингиз.

МУСТАФА - Хуш кўрдик.

ҚОДИР - Ўтиринг. Исмингиз?

МУСТАФА - Исмим Мусатафа.

ҚОДИР - Мустафа бей, нимадан шикоят қилаяпсиз?

МУСТАФА - Шикоятми?

ҚОДИР - Ха. Яъни нима сабабдан бу ерга келдингиз?!

МУСТАФА - Нега келдимми?

ҚОДИР - Ховотир олманг. Сиз керакли ерда, керакли одамнинг қаршисида ўтирибсиз.

МУСТАФА - Шундайми?

ҚОДИР - Нимадандир қўрқаяпсизми? Лекин бу ерда қўрқинчли ҳеч нарса йўқ. Хотиржам бўлинг. Қани орқароққа ўтирингчи. Шундай. Қани энди дардингизни айтинг. Нима сизни қийнаяпти.

МУСТАФА - Биронтаси кириб келсачи?!

ҚОДИР - Ким келиши мумкин?!

МУСТАФА - Эшикдан хозир кириб келсачи?!

ҚОДИР - Келса, ўз навбатини кутади.

МУСТАФА - Кутмасдан бостириб кириб келсачи?!

ҚОДИР - Бу ерга рухсатсиз ҳеч ким кира олмайди. Котиба йўл қўймайди. Тушинишимча, мен билан яккама якка гаплашмоқчисиз, шундайми?

МУСТАФА - Шундай. Биров кирмасин. Мен бу ерда эканлигимни ҳеч ким билмасин, Доктор бей.

ҚОДИР - *(Эшикни очиб котибага расман мурожат қилади)* Гул хоним, ичкарига ҳеч ким кирмасин.

ГУЛ - Хўп бўлади, доктор бей! *(эшикни ёпади)*

ҚОДИР - Илтимос, тушинтиринг. Хохласангиз олдинига табиат, об-хаво хақида гаплашайлик.

МУСТАФА - Гаплашайлик...

ҚОДИР - Истамбулда қаерда яшайсиз?

МУСТАФА - Таксимдаги отелда.

ҚОДИР - Истамбулга қандай келдингиз?

МУСТАФА - Учоқда. *(Самолёт)*

ҚОДИР - Учоқдами?

МУСТАФА - Машинада юриш узоқ вақт керак. Учоқда эса тезда келасан.

ҚОДИР - Яъни сиз Таксимдан учоқда келдингизми?

МУСТАФА - Таксида келдим. Истамбулда бир мавзедан иккинчисига учоқ билан келса бўладими? Қаердан учоққа ўтирса бўлади?

ҚОДИР - Шу кунларда шаҳар ичида учоқ учмаяпти. Мустафа бей, сиз Истамбулга қаердан учиб келдингиз.

МУСТАФА - Измирдан Истамбулга учоқда учиб келдим.

ҚОДИР - Ана энди хақиқатга келдик. Демак сиз асли Измирликсиз?

МУСТАФА - Йўқ... Мен Анталияликман.

ҚОДИР - Нега Измирдан учиб келдингиз?

МУСТАФА - Доктор бей нега бундай саволларни бераяпсиз?

ҚОДИР - Сокинлашингиз учун. Энди асабийлашмаяпсизми?

МУСТАФА - Асабийлашмаяпман.

ҚОДИР - Бўлмасам савол - жавоб қилишда давом этамиз. Розимисиз?

МУСТАФА - Агар сизни бундай саволларингиз мени осойишталикка олиб келиб тичлантирса майли, давом этайлик. Марҳамат сўрайверинг.

ҚОДИР - Хўш. Бу шифохонага нега келдингиз?

МУСТАФА - Сизни докторлик қобилиятингизни текшириб кўриш учун келдим. Қани топингчи, мен қандай қасалга йўлиққанман? Юрагим жойида. Отелдаги ўн бешинчи кавватга беш дақиқада чиқа оламан. Измирда учта докторга кўриндим. Анталияда бормаган шифокор қолмади. Мен уларни тушунмадим. Балким касалим нима эканлигини билишади-ю, менга айтишмайди?

ҚОДИР - Биронтасининг тавсияси билан бу ерга келдингизми?

МУСТАФА - Хеч кимдан маслаҳат олганим йўқ. Бехосдан шифохона деган ёзувни кўрдиму, ўзимни бу ерга урдим. Аллохнинг ризоси учун мени касалимни аниқлаб беринг. Мени текшириб кўринг, лутфан.

ҚОДИР - Мана бу ерга ётинг.

МУСТАФА - Йўқ... Мени ётқизманг. Ётсам тураолмай қоламан. Яхшиси мени дераза олдида муложа қилинг.

ҚОДИР - Қайси дераза?

МУСТАФА - Кўчага чиқадиган дераза. У ер анча ёруғроқ.

ҚОДИР - Яхши.

Хонанинг кўча томонга қарайдиган деразанинг олдида келишди. Қодир Гулга ичкарига киришга ишора қилади. Гул шошилганча ичкарига ўтади. Қодир беъморни кўллари билан турли ерларини ушлаб, оғириқ бор ерни аниқлашга киришади.

ҚОДИР - Бу ерингиз оғирадими?

МУСТАФА - Йўқ.

ҚОДИР - Яхши. Бу ерчи?

МУСТАФА - Бу ер ҳам оғримайди. (*Беъмор хавотир олиб, деразадан ташқарини қузатади*) Эй, худоим, у қаерга кетиб қолди экан.

ҚОДИР - Яхши ундай бўлса ўзингиз кўрасатингиз, қаерингиз оғирмоқда.

МУСТАФА - Балким юқоридадир. Сизларнинг тепаларингизда неча қавват бор? Бошингизни деразадан ташқарига чиқариб қараб кўринг-чи

ҚОДИР - Қаерга қараб кўрай?

МУСТАФА - Нима деганингиз, қаерга қарай? Тепага қаранг.

ҚОДИР - (*Деразадан бошини чиқариб тепга қарайди.*) Эй, худоим ўзинг сабр бер.

МУСТАФА - Нима кўраяпсиз?!

ҚОДИР - Қуёшни кўраяпман.

МУСТАФА - Бир ўзими?

ҚОДИР - Йўқ Оймомо билан гаплашиб турибди... Нима сиз мен билан хазилашаяпсизми?

МУСТАФА - Жим бўлинг доктор. Ёш болага ўхшаманг... Бу хаёт-мамот масаласи.

ҚОДИР - Бу нима деганингиз?

МУСТАФА - Тўпончангиз борми?

ҚОДИР - Менда тўпонча нима қилсин?!

МУСТАФА - Демак сизда бўлмаса, юқоридагида тўпонча бўлиши мумкинми?

ҚОДИР - Тушунмадим?!

МУСТАФА - Юқоридаги одамнинг тўппончаси борлиги аниқ. У хавф остида...  
Мени бу ердалигимни билиб қолишса, йўқ қилишади. Энди тушундингизми, доктор? Телефон қилсам бўладими?

ҚОДИР - Бу томонга мархамат.

МУСТАФА - *(Ён хонага ўтишади. Телефонни трубкасини қўлга олиб)* Мумкин бўлса, алохида гаплашсам.

Қодир хонадан чиқиб, эшикни ташқаридан ёпади. Мустафа тезда телефон рақамларини тера бошлайди. Гул ичкаридан чиқиб, Қодирга юзланади.

ГУЛ: - Қўрқиб кетаяпман, Қодир.

ҚОДИР - Тўғри айтасан, ғалати одам экан. Лекин сен қўрқма. Ёнингда мен борман. Ичимдан хис қилаяпман, бу одам жуда бой... Жим!

АЁЛ ОВОЗИ: - *(Телефонда аёлнинг овози янграйди)* Хабарингизни телефон сигналидан кейин қолдиринг!

МУСТАФА – *(Телефонга)* Мени ўлдиришмоқчи эди. Улардан қочиб, бир шифохонага беркиндим. Ташқарида мени кутишяпди. Бир амалаб бу ердан чиқишим керак. *(Телефонни қўяди. Қўшни хонага Қодирнинг олдига чиқади)* Доктор бей!

ҚОДИР - Гаплаша олдингизми?

МУСТАФА - Ха. Мени нима касалим бор экан, доктор бей?

ҚОДИР - Бу ахволда бир нарса дейиш мумкин эмас. Бу тамонга ўтинг. Энди мени саволларимга аниқ, лўнда қилиб жавоб беринг. Сизни жавобларингиздан келиб чиқиб, касални аниқлашим мумкин. Тушунарлими?

МУСТАФА - Тушунарли. Хоним афанди ташқарига чиқсин. Хар хил ҳолат бўлиши мумкин.

ҚОДИР - Гул хоним, ўз хонангизга чиқинг. *(Гул нозланиб, хохисиз чиқади)* Олдинда айтиб қўяй. Менинг даволашим нархи анча юқори.

МУСТАФА - Мен розиман.

ҚОДИР - Кейин эътироз қилиб юрманг.

МУСТАФА - Нега эътироз қилай. Етарли пулим бор. Қанча айтсангиз тўлайман. Энг мухими мени касалимни топинг. *(Чўнтагидан бир овуч пул чиқариб, Қодирга узатади)* Бу хозирча аванс. Олинг. Бу бору – йўғи аванс, холос. Олаверинг. *(Қодир пулларни олиб, шошилнич ташқарига чиқмоқчи бўлади)* Қаерга кетаяпсиз, доктор бей?

ҚОДИР - *(Довдираб)* Халиги... Гул хонимга... Котибага бермоқчи эдим... қоида бўйича шундай қилишим керак... Сиз эса кийимларингизни ечиб туринг. Текшираимиз...

*Қодир қўлидаги пуллар билан қўшни хонага Гулнинг ёнига келади. Пуларни кўрган Гул хайратга тушади. Қодир Гулга пулларни узатади. Гул севиниб пулларни олади. Иккаласи бу катта миқордаги пуллардан хурсанд бўлиб, бир бирларини қучоқлашади. Овоз чиқармасдан сакраб ўйнашади. Бироздан кейин Қодир қайтиб беъморнинг олдига келади. Гул пулларни санашига киришади.*

- ҚОДИР - Тайёрмисиз?
- МУСТАФА - Тайёрман, доктор бей. Ёнимдаги бор пулимни бердим. *(Чўнтагидан чек дафтарчасини чиқариб Қодирга кўрсатади)* Мана буни кўрапсизми? Сизга хохлаганизча пул бераман. Фақат мени шу ерда ушлаб тулинг.
- ҚОДИР - Тушунмадим? Қандоқ қилиб сизни бу ерда ушлаб тураман?
- МУСТАФА - Менда касалик қидиринг... Бугун, эртага, индинга... Хохлаганча мени шу ерда ушлаб тулинг. Агар мени яхшилаб кўриб, текшириб чиқсангиз, албатда қандайдир касаллик топасиз. Касалигимни топсангиз сизга кўп пул бераман. Шунинг учун бу кеча шу ерда тунаб қоламан. Менга на сув, на емак керак. Мана шу ерда ётавераман. Бир хафта қолишим мумкин. Тунаганим учун, Отелга берадиган пулни сизга бераман.
- ҚОДИР - Отелга қанча пул берасиз?
- МУСТАФА - Бир кунига икки юз доллар. Ўн кун тунаб қолсам, икки минг доллар бўлади. Бировларга шунча пулни берганда кўра, сиз яхши одамга ўхшаяпсиз, сизга бераман. Мана таъмирлаш ишларини ҳам бошлаб юборибсиз, харажатлар бўлаяпти, пул ортиқчалик қилмайди.
- ҚОДИР - Ўйлаб кўриш керак.
- МУСТАФА - Нимасини ўйлайсиз. Сизга хар кун учун икки юз доллар бераман. Рози бўлсангиз, хозироқ хисоб чекини ёзиб бераман, бориб банкдан санаб олаверасиз.
- ҚОДИР - Бундай иш, профессионал хаётимда ҳеч ҳам тўғри келмаган экан. Билмадим... Қандоқ бўларкин.
- МУСТАФА - Зўр бўлади. Мана бу ерда, бир чеккада ётавераман. Мени бу ердалигимни ҳеч ким сезмайди.
- ҚОДИР - Бошқа беъморлар келганида сизни бу ерда ётганингизни кўришларини хохламайман.
- МУСТАФА - Яшириниб оламан. Биров кўрмайди.
- ҚОДИР - Яъни кўринмайсиз...
- МУСТАФА - Айнан шундай.
- ҚОДИР - Мен бу масалани ўйлаб кўришим керак.
- МУСТАФА - Ўйлаб кўринг доктор бей. Бу ишдан сизга фақат фойда бўлади. Қолаверса бир инсонга савоб иш қилган бўласиз. Бу билан бир инсоннинг хаётини қутқарган бўласиз... Яни касалимни топиб, даволаган бўласиз.
- ҚОДИР - Касалингизни топа олмасамчи?!
- МУСТАФА - “Сизга катта раҳмат”, деб кетаман.
- ҚОДИР - Берган пулларингизни қайтариб олмайсизми?
- МУСТАФА - Қайтариб олмайман. Худди Отелда бўлгани сингари. Ахир улар ўтган кун учун пулни қайтариб беришмайдику.

Қодир қўшни хонага чиқади. Гул эшикни олдида уни кутиб олади.



- ГУЛ - Хаммасини эшитдим. Бу ишда бир гап бор, Қодир.  
 ҚОДИР - Аслида менга хам бу иш ғалати туюлди. Аммо... Биз нима шарт қўйсак, у барчасини қабул қилишга тайёр. Нега синаб кўрмайлик... Қанча пул берибди?
- ГУЛ - Янги уйга кўчиб ўтиш учун етади.  
 ҚОДИР - Хали яна оладиган пулларни хисобга олсак, барча муаммоларни хал қиламиз.
- ГУЛ - Тургут бей келиб қолиши мумкин.  
 ҚОДИР - Яширамиз. Ичкаридаги шкафга яширамиз. Беш кун тунаса, анча пул ишлаб оламиз... Фараз қилгин, минг доллар.
- ГУЛ - Тунда нима қилади?  
 ҚОДИР - Мен у билан бирга қоламан.
- ГУЛ - Бўёқ ишлари-чи?  
 ҚОДИР - У ишниям қиламиз. Бир йўлини топиб амаллаймиз. Хавотирга тушмасин, бориб уни сухбатини олай.
- ГУЛ - Қўрқиб кетаяпман, Қодир.  
 ҚОДИР - Қўрқма! Менга қўйиб бер. Бу хам тангрини бизга иноми. *(Мустафанинг ёнига келади)* Менга қаранг. Хаммасини бошдан келишиб олайлик. Демак, бу ерда беш кун қолмоқчисиз. Ва бунинг учун минг доллар тўлайсиз. Шундами?
- МУСТАФА - Шундай!  
 ҚОДИР - Бу ердан ташқарига хеч хам чиқмайсиз, шундайми?  
 МУСТАФА - Шундай, лекин... Хожатхонага хам чиқмайманми?  
 ҚОДИР - Чиқасиз... Лекин мени хабардор қилиб чиқасиз. Аммо, ундай тез-тез эмас... Бошқа беъморларга кўринмайсиз.
- МУСТАФА - Мени қидириб келишса... Уларга хам кўринмайман, доктор бей.  
 ҚОДИР - Сизни қидирибми? Бу нима деганингиз?  
 МУСТАФА - Энди хар эхтимолга қарши, дейманда...  
 ҚОДИР - Биронтасига бу ерни адресини берганмидингиз?  
 МУСТАФА - Хеч кимга бу ернинг адресини бермадим. Балким... Мобода, сўраб қолишса: “Бу ерда ундай инсон йўқ” деб айтсангиз, кифоя.  
 ҚОДИР - Айтамиз... Тамом! Хар холда, овқат хам егингиз келади.  
 МУСТАФА - Албатда. Оч қолиш ниятим йўқ.  
 ҚОДИР - Яхши. Ёнимиздаги бинонинг пастки қисмида ошхона бор, орада бир овқатлангани тушиб чиқарсиз.
- МУСТАФА - Йўқ...йўқ... Яхшиси оч қоламану, ташқарига чиқмайман.  
 ҚОДИР - Нега энди? Яқин-ку. Шундай чиқиб келасиз.  
 МУСТАФА - Биронта бегона кўриб қолса-чи? Ёки беъморларингиз кўриб қолса-чи? Яхшиси, сиз менга емакни телефон орқали буюртма қилиб олиб келтиртиринг. Жимгина овқатланаман. Емак пулларини алохида тўлайман.

ҚОДИР - Келишдик. Лекин шуни эсингиздан чиқарманг. Нима бўлишдан қатий назар, мен сизга “яширининг”, десам, мана шу шкафга яширинасиз. Нафас олганингиз ҳам эшитилмасин. Тушундингизми?

МУСТАФА - Тушундим.

ҚОДИР - “Яширининг”, десам нима қиласиз?

МУСТАФА - Шкафга кираман. Нафасимни ҳам чиқармайман.

ҚОДИР - Яширинининг сабаби, агар сизни бу ерда яшираётганимни билиб қолишса, мутассади одамлар мени бу ерда ишлашимга рухсат беришмайди. Келишдикми?

МУСТАФА - Келишдик.

ҚОДИР - Қани “Яширинг!”

*Мустафа шошилиб шкафга киради. Нафасини чиқармай жим ўтиради. Бироздан сўнг, Қодир синовнинг муваффақиятли ўтганидан хурсанд бўлиб, шкафни эшигини тақилатади.*

ҚОДИР - Офарин! Бараккала! Чиқаверинг.

МУСТАФА - *(Қўрқароқ, эҳтиёткорлик билан шкафдан бошини чиқаради)* Ким келди?

ҚОДИР - Хеч ким?

МУСТАФА - Унда нимага шкафга яшириндим.

ҚОДИР - Синовдан ўтказдик.

*Телефон жиринглайди. Гул телефони олади.*

ГУЛ - Доктор Ахмедбейнинг шифохонаси? Эшитаман. Бир дақиқа. *(Трубкани қўли билан беркитиб Қодирга ишора қилади)* Германия.

ҚОДИР - *(Трубкани олади)* Эшитаман. Ха менман. Хаммаси яхши. Кўнглингиз тўқ бўлсин... Хўп бўлади... Яхши қолинг. *(Трубкани қўяди)*

МУСТАФА - Хатто Германиядан телефон қилишаяпдими?

ГУЛ - Беъморлар...

ҚОДИР - Бизни ишларимизга аралашмайсиз!

МУСТАФА - Хўп бўлади.

*Телефон жиринглайди.*

ГУЛ - Доктор Ахмедбейнинг шифохонаси? Эшитаман. Бир дақиқа. *(Трубкани қўли билан беркитиб Қодирга ишора қилади)* Халит бей.

ҚОДИР - *(Трубкани олади)* Эшитаман. Ха менман. Буюринг афандим. Нима қилиш керак..? Хўп бўлади. Ёзаяпман... Тахсин бей... Қачон келади? Соат учда? Бўлади... Қўлимдан келганини қиламан. Яхши қолинг. *(Трубкани қўяди)* Соат учда Тахсин бей келар экан. Халит бейнинг яқин одами. Унутма.

*Эшик қўнғороғи чалади. Гул эшики очгани чиқади. Тургут бей келади. Қодир ичкарига қараб чопади.*

ТУРГУТ - Хорманглар!

ҚОДИР - *(Мустафага)* Яширининг!

Мустафа тезда шкафага яширинади. Қодир устидаги шифоркорнинг кийимини ечади.

ГУЛ - Хуш келдингиз, Турғут бей.

ТУРҒУТ - Яна котибанинг кийимини кийиб олибсиз.

ГУЛ - Шу ерларни тозаломоқчиман...

ТУРҒУТ - Қодир уста қани?

ГУЛ - Ичкарида.

ҚОДИР - *(Хонага кириб келади)* Хуш келдингиз, Турғут бей!!

ТУРҒУТ - Хуш кўрдик. Шу атрофдан ўтиб кетаётгандим, кириб кетай дедим.

ҚОДИР - Яхши қилибсиз

ТУРҒУТ - Ишалар қандоқ кетмоқда?

ҚОДИР - Биринчи қаватни тамомладик.

ТУРҒУТ - *(Хонани кўздан кечиради)* Гўзал! Мени уялтириб қўйманглар. Эрталаб Ахмед бей билан телефонда гаплашдик.

ҚОДИР - Яқинда мен билан ҳам телефонда гаплашди.

ТУРҒУТ - Ха, жуда ҳам асабийлашган.*(Хонанинг ичкарисин кўздан кечиради)* Бу ёқларини бошламабсиз-ку?!

ҚОДИР - Бугун бошляпмиз.

ТУРҒУТ - Бу оёқ кийимларини йиғиштириб қўйинглар.

ҚОДИР - Хўп... Гул хоним мана бу ерни йиғиштириб қўйинг.

ТУРҒУТ - Хотинингга Гул хоним деб мурожат қиласанми?

ҚОДИР - Иш пайти шундай мурожат қилганим яхши.

ТУРҒУТ - Чой икром қилмайсизларми?!

ГУЛ - Хозирок дамлайман.

ТУРҒУТ - Йўўўқ... Хазилашдим. Ишим жуда кўп. Мен борай. Кейин яна келарман. Яхши ишланглар.

ҚОДИР - Яхши боринглар.

ГУЛ - Чой дамлаб қўяман... Кутамиз.

ТУРҒУТ - Албатда келаман.

Турғут чиқади. Қодир ва Гул кийимларини алмаштириб яна шифокорлик киёфасига киришади,

ҚОДИР - Хай... Чиқа қолинг.

МУСТАФА - *(Шкафдан чиқади)* Келган ким эди?

ҚОДИР - Сизга нима фарқи бор? Битгаси... Келишганмиз. Бундай бўлар бўлмас саволлар бериш йўқ.

МУСТАФА - Яхши.

ҚОДИР - Бу оёқ кийимларни тўғри келган жойга ташламанг.

МУСТАФА - Хўп бўлади.

ҚОДИР - Кўриб турибсиз, бу ер бўялмоқда. Бу хона ҳам бўялади.

МУСТАФА - Ха... Бўёқчилар келдими?

- ҚОДИР - Ха... Бўёқчилар келди... Улар сизни кўрмаслиги керак. Лекин қандоқ қиламиз? Ха... Топдим. Яхшиси бу хонани мен ўзим бўясам, улар бу ерга кирмайдилар. Кўриб қолишса сиздан шубхаланишади ва керакли жойга хабар беришади.
- МУСТАФА - Тўри. Яхшиси мен ҳам сизга ёрдам берман.
- ҚОДИР - Қандоқ бўларкин, ахир сиз... Сиз мени беъмормисиз? Ёки касал эмасмисиз?
- МУСТАФА - Ха... Айтгандай қачон мени текшириб, кўриб чиқасиз?
- ҚОДИР - Бироздан кейин кўриб чиқаман. Лекин, олдинига гаплашиб олишимиз керак бўлади. Келишилган пулларни қачон берасиз?
- МУСТАФА - Қанақа пул?
- ҚОДИР - Халиги... Беш кунлик “Отель” пули!
- МУСТАФА - Шу ердаманку. Кетаётганимда бераман.
- ҚОДИР - Бўлмайди! Бўладиган ишни хозирдан қилиш керак. Мен кейинга рози эмасман.
- МУСТАФА - Нима мени қочиб кетади, деб ўйлаяпсизими? Мени зўрлаб ташқарига ташласангиз ҳам кетмайман. Мен бу ерга даволанишга келдим, ва шифо топмасдан ҳеч қаерга кетмайман.
- ҚОДИР - Даволанишнинг харажатлари бор. Барибир пулсиз хал бўлмайди.
- МУСТАФА - Хўп. Яримини эртага бераман.
- ҚОДИР - Йўқ. Бугун берасиз!
- МУСТАФА - Беш юз долларми?
- ҚОДИР - Ха! Қолганини қачан берасиз!
- МУСТАФА - Қолганини бу ердан чиқишимда бераман.
- ҚОДИР - Бўлмайди... Таваккал қилиб бўлмайди. Қолганини... Яхшиси кетишингиздан бир кун олдин берасиз!
- МУСТАФА - Нима менга ишонмаяпсизми Доктор бей!?
- ҚОДИР - Бу масалани ишонч билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Хаммасини ўз вақтида бўлгани яхши. Қолаверса мени молиявий бир қанча муаммоларим бор эди. Йўқ, агар хохламасангиз бу келишувдан воз кечамиз.
- МУСТАФА - Йўўўўқ..! Асло! Хаммасига розиман.
- ҚОДИР - Унда хаммасини келишганимиздай қиламиз.
- МУСТАФА - Келишдик.
- ҚОДИР - Унда қани банк дафтарчангизга беш юз долларлик чекни ёзинг.
- МУСТАФА - Хозирми?
- ҚОДИР - Хозирми, деганингиз нимаси? Албатда хозир.
- МУСТАФА - (Ёнидан банк датарчасини чиқариб чек ёза бошлайди) Мана, олинг.
- ҚОДИР - Мана бу бошқа гап. Хозироқ бориб бўёқ олиб келаман.
- МУСТАФА - Беш юз долларликми?
- ҚОДИР - Сизга нима фарқи бор? Хохласам минг долларлик харажат қиламан. Шудай эмасми?

МУСТАФА - Худди шундай! Лекин кўриб турганингиздек, менга ишонсангиз бўлади.

ҚОДИР - Сиз мени шу ерда кутинг. Мен хозир. *(Кўшни хонага чиқиб, Гул хонимга юзланади ва бояги чекни унга узатади)* Мана бу чекни олиб бурилишдаги банкга бориб 500 доллар олиб кел. Хужжатингни ўзинг билан олгин.

ГУЛ - *(Чекни ўқиб хайратга келади.)* Кўзларимга ишнолмаяпман!

ҚОДИР - Балким бизни лақилаётгандир. Тезроқ бориб аниқла.

Қодир чиқиш эшигини очиб, Гулни кузатади. Эшикни қулифлаб Мустафанинг ёнига қайтиб келади.

ҚОДИР - Худо хохласа сохта бўлиб чикмайди.

МУСТАФА - Тушунмадим?

ҚОДИР - Берган чекингни айтаяпман. Ёлғон бўлмас, иншаллох.

МУСТАФА - Хаммаси тўғри. Мана кўрасиз.

ҚОДИР - Бироз сабр қилсак, хаммаси ойдинлашди.

МУСТАФА - Барибир менга ишонмаяпсиз.

ҚОДИР - Барибир текшириб қўйган яхши. Хамма учун...

МУСТАФА - Нима мен аферистга ўхшайманми? Аллохга шукур ўзим учун етарли маблағим бор.

ҚОДИР - Нима иш қиласиз?

МУСТАФА - Менми?

ҚОДИР - Нима бу ерда биздан бошқаси борми?

МУСТАФА - Йўқ.

ҚОДИР - Нима билан шуғуланасиз?

МУСТАФА - Фирмам бор.

ҚОДИР - Шундайми? Унда яшашингиз яхши бўлиши керак.

МУСТАФА - Аллохга шукур, хаммаси жойида. Лекин ишимизда ўзига яраша муаммолар хам бор.

ҚОДИР - Енгилликлар хам бор-ку! Масалан, пора берсангиз муаммоларингиз шу захотиёқ хал бўлади.

МУСТАФА - Қани энди пора бериш билан хамма муаммолар хал бўлса. Ахир у томондан рақиб фирмалар кўз олайтириб туришибди. Баъзан, рақиб томондан бири келиб, пешонанга тўпсончани қадайдди. Дўк қилиб: “Биз билан рақобатга киришмайсан, акс холда ишигни мен ўзим битираман!”, дейди.

ҚОДИР - Бундай холатда рози бўлмаслик, ахмоқлик. Рақиб бўлманг.

МУСТАФА - Унда бизнес қилиб бўлмайди. Агар бир марта рақибликдан чекинсангиз, номингиз кўрқоқ бўлиб тарқалади ва сиз билан бошқа хеч ким бу борада ишламайди. Жонга жон, қонга қон...

ҚОДИР - Яъни Шекспирнинг тили билан айтганда: “Ё ўлмоқ, ё қолмоқ – шудир масала!” шундами?

МУСТАФА - Айнан шундай, фожиали иш.

- ҚОДИР - Лекин дунёда энг ёмони бу ўлим.
- МУСТАФА - Кўриниб турибди чорасиз холга тушмагансиз. Пулсизлик ўлимдан ёмон. Ўликка пул керак эмас.
- ҚОДИР - Яъни...
- МУСТАФА - Яъни сизга тахдид қилганга, сиз икки баравар кучлироқ, кўпроқ тахдид қилишингиз керак бўлади. Сиз рақибни йўқ қилмасангиз у сизни йўқ қилади.
- ҚОДИР - Дунёда шунча мен билмаган ишлар бор экан. Мен эса тинчгина ўз ишим билан овораман.
- МУСТАФА - Аслида мен хаётимдан рози эмасман. Сезиб турибман охири ёмон тугайди. Қани энди рақиблар инсоф билан харакат қилишса, “сен қурилиш ишлари билан шуғулансанг, мен савдо сотиқ ишлари билан шуғулансам. Давлат битмас тугаламас бойликга эга. Қанча совурсанг хам тугамайди...”. Шундай эмасми?
- ҚОДИР - Бундай ишларга ақлим унчалик етмайди.
- МУСТАФА - Мен қандайдир касалликка дучор бўлганман. Сиз шу касалимни диагнозини аниқлаб беринг. Мени хар хил бўлмагур, кўрқинчли ўйлар, хаёллар қийнайди. Балким миямда камчилик бордир? Балким дардими сизга очсам, мен енгилашарман...
- ҚОДИР - Тушунарли... Лекин бу ерда беш кундан бир кун хам ортиқ қолмайсиз.
- МУСТАФА - Бу ҳақда келишдик-ку... Боя айтганимдай “Ё хаёт – ё мамот”...

Кириш эшиги кўнғироғи янграйди. Мустафа яширинади. Қодир эҳтиёткорлик билан эшикни очади. Ичкарига хурсанд бўлиб Гул кириб келади. Кўлидаги пулларни эрига узатади.

- ГУЛ - Мана пуллар. Нега хурсанд эмассиз?
- ҚОДИР - Хурсандман. Худо хохлаسا қолган 500 долларни хам оламиз. Уй киррасини қарзсиз хал қиламиз. Хозироқ бориб ўша танлаган хонадонни гапашиб кел. Авансини бериб, “қолганин, беш кундан кейин олиб келамиз”, дегин.
- ГУЛ - Хўп. Хозир телефон қилиб уй эгаси билан келишиб оламан. Кечга яқин бориб пулларни бериб келаман. Яна қанча пул керак бўлади.
- ҚОДИР - Қолган беш юз долларни олсак, етиш тугул, хатто ортиб хам қолади. *(Эшик кўнғироғи жиринглайди)*
- ГУЛ - Энди мижозларни қабул қилмасак хам бўлади.
- ҚОДИР - Халит бейнинг одами келиши керак эди... Тахсин бей.
- ГУЛ - Эшикни очмайлик
- ҚОДИР - У билан учрашув ҳақида Халит бей билан телефонда келишиб олганмиз. Учрашмасак бўлмайди.
- ГУЛ - Сўз берган бўлсак берибмиз, энди учрашувнинг биз учун хеч хам кераги йўқ.
- ҚОДИР - Ундай қилиб бўлмайди. Шубха пайдо бўлади. Бор эшикни оч.

Гул шошилганча эшикни очгани чиқади. Тахсин бей Гул билан ичкарга кириб келади. Қодир билан Тахсин бей юзлашади. Қодир билдирмасдан шошганча ичкарига кириб кетади.

ГУЛ - Мархамат, бу тамонга ўтинг.  
ТАХСИН - Ташаккур. Халит бей учрашув белгилаган эканлар.  
ГУЛ - Тахсин бей?  
ТАХСИН - Ха қизим, Тахсин бей бўламан. Халит бей телефон қилган экан.  
ГУЛ - Мархамат катта хонага ўтайлик.

Улар Салонга, катта хонага ўтишади. Тахсин бей Қодирни қидиради.

ГУЛ - Мен Доктор бейга хабар бераман.  
ТАХСИН - Доктор бейнинг исми нима?  
ГУЛ - Қо... Қод... Ахмад бей.  
ТАХСИН - Қаердандир танийдиганман... Илгари қаерда ишлаган эди...  
ГУЛ - Беш йилдан бери шу ерда ишлаб келади.  
ТАХСИН - Бошқа ерларга ҳам касал кўргани бориб турадимми?  
ГУЛ - Йўқ. Фақат шу ерда ишлайди холос.  
ТАХСИН - Қаерлардандир уни кўрганлигим аниқ. Лекин ҳеч чиқара олмаяпман.

ГУЛ - Инсонлар бир бирларига ўхшайди. Бирон ичимлик олиб келайми?  
ТАХСИН - Ташаккур...  
ГУЛ - Докторга келганингизни хабар берай. *(Ичкарига кириб кетади)*  
ТАХСИН - Қаерда кўрган эканман..?  
ҚОДИР - Нима қилаяпди?  
ГУЛ - Сизни танишга жуда ҳаракат қилаяпди. Хотирлай олмаяпди. Сиз ҳақингизда анча саволлар берди.

ҚОДИР - Нималар сўради?  
ГУЛ - “Бошқа ерда ҳам ишлайдимми?” деб нукул сўрайверди. “Йўқ бошқа ерда ишламайди, беш йилдан бери фақат шу ерда ишлайди” дедим.

ҚОДИР - Яна нималар сўради?  
ГУЛ - Исмингизни сўради.  
ҚОДИР - Қодир демагандирсан?  
ГУЛ - Бироз қолди, лекин Ахмедбей дедим.

ҚОДИР - Ишондимми?  
ГУЛ - Нимага?  
ҚОДИР - Мени доктор эканлигимга.  
ГУЛ - Очикроқ гапиринг. Мен кўрқиб кетаяпман? Гап нимада ўзи?  
ҚОДИР - Энди нима қиламиз... Аллоҳим ...  
ГУЛ - Гапиринг, нега бунчалик хавотир оляпсиз?  
ҚОДИР - Бу одам мени таниши аниқ. Энди юзма юз келсак, нима дейман.  
ГУЛ - Ундай бўлса сиз у билан қаршилашманг.  
ҚОДИР - Қандоқ қилиб кўринмай. Ахир у мени шу ердалигимни билади.  
ГУЛ - Ким бу одам ўзи? Қаердан сизни танийди? Ана кўрдингизми..?  
Эшикни очмайлик дегандим... Менга қулоқ солмадингиз.

ҚОДИР - Уч ой олдин, биттасининг уйни бўяган эдим. Сен унда онамлар бетоб бўлгани учун улар билан овора эдинг. Хаммага шубха билан қараб, полицияга нуқул шикоят қиладиган одам бор эдику... Тахсин бей... Бу ўша киши бўлади.

ГУЛ - *(Дахшатга тушиб)* Эй, Вох!!! Расво бўлдик!

Гул шошиб қолган, Қодир чорасиз... Мустафа эса бу рохатсизликдан ховотирга тушиб, тўпончасини қўлига олади ва шкафдан аста секин мўралади.

### Ш

Тахсин бей салонда (катта хона, зал) кутиб ўтирибди. Қодир билан Гул бу ҳолатда чиқиш учун чора қидиришмоқда.

ҚОДИР - *(Хурсанд бўлиб)* Топдим! Топдим!!!

ГУЛ - Нима қиламиз?

ҚОДИР - Менга кулоқсол.

ГУЛ - Гапиринг.

ҚОДИР - Қўшни хонага чиқиб, салоннинг эшигини бир амалаб ёпасан. Кейин мен кириш эшигининг қўнғироғини чаламан. Сен ҳеч нарса бўлмаганидай, салоннинг эшигини очиқ холда қолдириб, менга кириш эшигини очасан. Мен бўёқчи Қодир бўлиб бу ерга кириб келаман. Гапларимга тушундингми?

ГУЛ - Тушунмадим.

ҚОДИР - Нега тушунмайсан? Мен бўёқчи кийимида Қодир бўлиб кириб келаман.

ГУЛ - Кейинчи?

ҚОДИР - Мен бироз Қодир бўлиб сен билан гаплашаман, кейин ташқарига чиқаман. Фақат, муҳими у мени чиққанимни кўриши керак. Кейин, салоннинг эшигини ёпасан ва мен ичкарига кириб кийимларимни алмаштириб доктор Ахмед бўлиб уни қабул қиламан.

ГУЛ - Хаммаси аралашиб кетди... Билмадим...

ҚОДИР - Қани чўзмагин... Бор айтганларимни қил.

Қодир докторлик кийимларини ечиб, бўёқчи кийимларини кияди.

ГУЛ - Кейин нима қиламан?

ҚОДИР - У ёғини кейин тушунтираман. Тушундингми?

ГУЛ - Эшкни очиқ қолдираман... Кейин ташқари эшиги қўнғироғи жиринглайди... Мен эшикни очаман... Тушундим.

ҚОДИР - Агар битта нотўғри ҳаракат қилсанг, барбод бўламиз. Агар мени доктор Ахмед эмаслигимни англаса, расво бўламиз.

ГУЛ - Бир нарсани тушунмадим. Сиз нега бу ерга келаяпсиз?

ҚОДИР - Мен Ахмедбейнинг укасиман. Шундан бир биримизга ўхшаймиз. Озгина қарз олгани келган бўлишим мумкин.

ГУЛ - Охири яхши бўлсинда.



ҚОДИР - Бўла қол, бўлмасам Тахсин бей шубхалана бошлайди. Хозир бориб салоннинг эшигини яхшилаб беркитгин. Мен ташқарига чиқиб, эшикни қўнғироғини чаламан, сен чиқиб эшикни очасан.

Гул салонга ўтиб, эшикни беркитади. Қўлига латта олиб, атрофни арта бошлайди. Қодир энди эшикдан ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганида, қўнғироқ чалинади. Қодир шошилинич эшикни очади. Нуриддин бей келган экан.

НУРИДДИН - Доктор бей!!!

ҚОДИР - Секинроқ.

Уни қўлидан тортиб ташқарига олиб чиқади. Ўзи ҳам ташқарига чиқиб, секин эшкни ёпади. Гул салон эшигидан чиқиб, кириш эшигини олдига келади. Эшикни очади. Ташқарида ҳеч кимни кўрмайди. Хайрон бўлиб, нима қиларини билмай ичкарига қайтади.

ТАХСИН - Ким келибди, қизим?

ГУЛ - Ҳеч ким.

ТАХСИН - Ўғри бўлмасин, тагин? Улар атайин шундай қилишади. Уйда биров борми, йўқми, деб текшириб олишади.

ГУЛ - Бўлмаган гап. Қанақа ўғри? Хархолда кимдир адашиб қўнғироқ чалган.

ТАХСИН - Йўқ... Бу ишда бир нарса бор. Ўзидан ўзи бундай бўлмайди. Хозироқ полицияга хабар бериш керак.

ГУЛ - Тўхтанг. Бундай ишлар орада бир бўлиб туради.

ТАХСИН - Бу аниқ ўғрилар. Телефон қаерда?

ГУЛ - Доктор бейнинг жаҳли чиқади.

ТАХСИН - Нега жаҳли чиқади? Ахир мен уни хузур-халоватини ўйлаб гапираяпман. Қолаверса, бу бир фуқоралик вазирам. Қоч олдимдан, қаршилиқ қилма қизим. *(Эшикнинг қўнғироғи янграйди)* Сен шу ерда қол. Мен ўзим эшикни очаман.

Гулнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, Тахсин бей ўзи эшикни очади. Эшик олдида пайдо бўлган Қодир бироз шошиб қолади. Тахсин бей ҳам Қодирни кўриб бироз хайратга келади. Қодир ўзига келиб, ташаббусни ўз қўлларига олади.

ҚОДИР - Тахсин бей!? Сиз бу ерда нима қилаяпсиз?

ТАХСИН - Қодир уста!?

ҚОДИР - Бу ерга нега келганим сизни қизиқтиради, шундайми? Ахмедбей менинг акам бўлади.

ТАХСИН - Акангми?

ҚОДИР - Ха... Акам!

ТАХСИН - Шунчалар ҳам бир бирларинга ўхшайсизларми?

ҚОДИР - Эгизаклардекмиз! Ичкарига кирайлик. *(Ичкарига ўтишади. Ўтиришади)*

ТАХСИН - Демак, сен Қодир бўлсанг, доктор Ахмед бей, шундайми?

ҚОДИР - Шундай. Орада бир бизникига келиб туради. Кўплар бизни адаштиришади. Сиз бу ерга нима сабабдан келдингиз?

ТАХСИН - Сўнгги пайтларда ўзимни яхши хис қилмаяпман.

ҚОДИР - Шифосини берсин.  
ТАХСИН - Шу кунгача хали докторга учрамаганман. Ростини, гап орамизда қолсин, докторларга унчалик ишонмайман. Мени бу ахволимни кўрган Халит бей доктор Ахмед бейни тавсия қилди. Мен ҳам бир синаб кўрай деб келдим.

ҚОДИР - Тўғри иш қилибсиз, Тахсин бей. Ахмед бей жуда яхши доктор. У бошқаларга ўхшамайди, дори ҳам ёзмайди. Қанақадир ўзининг табибга ўхшаган усуллари бор. Лекин айтганларини албатда бажаринг. Гул хоним, агар Тахсин бей қарши бўлмасалар, акамнинг олдига икки-уч дақиқага кириб чиқсам майлими?

ТАХСИН - Марҳамат, мен қарши эмасман.

ҚОДИР - Ташаккур. Нима дедингиз Гул хоним?!

Гул бироз довдираб, кейин, бир қарорга келиб, ичкарига кириб кетади.

ТАХСИН - Жуда қизиқиб қолдим. Ака-укани бир орада, биргаликда кўрсам.

ҚОДИР - Қўрасиз... Қўрасиз...

ТАХСИН - Ундай бўлса мен ҳам сиз билан бирга ичкарига кириб чиқсам.

ҚОДИР - Хозирми?!

ТАХСИН - Нима буни бирор бир ёмон томони борми?

ҚОДИР - Йўқ... Лекин... Акам бироз асабийроқ. Ўзаро муносабатларни бегоналар олдида гаплашгиси келмайди. Айниқса, қарз олгани келганимни асло билдиргиси келмайди. Жахли чиқади... Энди тез тез келасиз бу ерга, хали бизларни биргаликда кўп марта кўрасиз.

ГУЛ - *(Келади)* Акангиз кутаяпдилар.

ҚОДИР - Навбатингизни берганингиз учун яна бир карра ташаккур. Мен тезда чиқаман. *(Ичкарига киради)*

ТАХСИН - Бўлиши мумкин эмас.

ҚОДИР - Нима дедингиз?

ТАХСИН - Шунчалар ўхшашлик бўладими? Бу ака укаларни бирга кўрмагунча ҳеч ҳам ишона олмайман.

Қодир киймларини алмаштириб, доктор қиёфасига кириб олган. Эшикни очиб, овозини бироз ўзгартириб Тахсин бейга мурожат қилади. Тахсин бей докторни кўриб оёққа туради.

ҚОДИР - Тахсин бей. Илтимос қиламан, икки уч дақиқа сабр қилинг, мен укам билан гаплашиб олай.

ТАХСИН - Марҳамат, безовта бўлманг.

ҚОДИР - Ташаккур. Тахсин бей чойми, кахвами олиб келишсинми?

ТАХСИН - Ташаккур. Хаво ўзи иссиқ. Ҳеч нарса керак эмас.

ҚОДИР - Бироздан кейин сизни қабул қиламан, Тевфик бей!

ТАХСИН - Зиёни йўқ. Лекин мени исмим Тахсин.

ҚОДИР - Ё тавба, бу Тевфик исми қаердан ҳам эсимга келди. Узр сўраман, Тахсин бей.

Қодир ичкарига киради. Тахсин бей ўрнига ўтиради. Қодир ичкаридан овозини баланд килиб, докторга ўхшаб гапиради. Тахсин бей кўшни хонадан келаётган гапларни диққат билан тинглайди.

**ҚОДИР** - Жуда ҳам тарбияли, кўпни кўрган инсон экан, Тахсин бей. *(Қодир энди бўёқчи овози билан ўзига ўзи жавоб беради)* Ўтган ой уйини бўяган эдим. Мени бу ерда кўриб, хайрон бўлди. Биз ака ука эканлигимизни айтганимда, яна ҳам хайрон бўлди. Жуда ҳам яхши инсон. Хатто шуни айта оламанки, уйларини бўяганим инсонлар ичида энг яхшиси. *(Доктор овози билан)* Тахсин бейдек шарфли инсонларни даволаш менга ғурур бағишлайди. *(Бўёқчи овози билан)* Мен ҳам бу инсондан жуда ҳам минадорман. *(Доктор овози билан)* Укагинам тортинмай айта вер қанча пул керак сенга? *(Бўёқчи овози билан)* Аслида сиздан пул олишга уялаяпман. Хар келганимда менга пул берасиз *(Доктор овози билан)* Хеч ташвишланма, укагинам. Агар мен бугун доктор бўлиб катта пуллар топаётган бўлсам, бунда сенинг ҳам хиссанг бор. Шунча етадимми? *(Бўёқчи овози билан)* Бу кўп, ака. Яримини қайтиб олинг. *(Доктор овози билан)* Йўқ. Ололмайман. Чунки сени менга қилган яхшиликларин бебаходир. Мени хафа қилма барчасини олавер. *(Бўёқчи овози билан)* Сизни хафа қилгандан кўра, ўлганим яхши акажон. Майли сизни гапингизни икки қилмай шу пулларни ола қолай. Хурматли Тахсин бейни кутирмайлик. *(Доктор овози билан)* Яхши сен бора қол бўлмасам. Қачон пул керак бўлса келавер. *(Бўёқчи овози билан)* Соғ бўлинг, ака. Яхши қолинг. Хайр.

Қодир яна доктор қиёфасидаги кийимларни бўёқчи кийимига алмаштиради. Пулларни жуздонига жойлаштиётган бўлиб, Тахсин бейнинг ёнига келади.

**ҚОДИР** - Бундай ака дунёда битта. Қачон пулдан қийналсам олдига келаман. Хеч нарса демасдан қўлимга пулларн тутказади.

**ТАХСИН** - Тўғри қилади. Ишлар яхши кетмоқда. Худо билади, солиқ пулларини ҳам тўламаётгандир.

**ҚОДИР** - Йўғ-е! Акам жуда ҳам адолатли. Давлат солиқларини ўз вақтида тўлаб келади. Хатто баъзи бир камбағал оилалардан даволаш учун пул ҳам олмайди.

**ТАХСИН** - Лекин, бизнинг Халит бейдан пулларини ортиғи билан олибди.

**ҚОДИР** - Янги мижоз бўлса керак-да. Хали яхши таниш бўлишмаган. Мана кўрасиз, Халит бей иккинчи бор бу ерга келганида, доктор бей ундан эллик фоиз хақни бекор қилади. Хохласангиз бу борада бахсга кирамиз.

**ТАХСИН** - Хозирча, сени гапинга ишондим.

**ҚОДИР** - Мен хозир шошилаяпман... Акам сизни қабул қилади. Бирон ёрдамим керак бўлиб қолса, бажонидил.

**ТАХСИН** - Хўп. Бора қол.

ҚОДИР - Яхши қолинг. Хайр.

Қодир Гул билан бирга ташқарига чиқадиган эшик томон юришади. Салоннинг эшигини ёпишади. Ташқи эшикни тақилатиб, Тахсин бейга эшитиладиган қилиб ёпади. Ўзи аста-секин нариги хонага ўтиб, устки кийимларини алмаштириб докторга айланади.

ҚОДИР - Энди англадингми, нима қилмоқчи эканлигимни?

ГУЛ - *(Хурсанд бўлиб)* Англадим.

ҚОДИР - Мен кимман энди.

ГУЛ - Доктор Ахмед бей!

ҚОДИР - Мана энди чақир, Тахсин бейни.

Гул ишонч ва ғурур билан Тахсин ей ўтирган салон томон юради.

ГУЛ - Тахсин бей мархамат, Ахмед бей сизни қабул қилади.

ҚОДИР - Яхши.

Гул олдинда юриб Тахсин бейни Докторнинг хонасига олиб киради. Қодир беъмори хурмат қилиб оёққа турганча кутиб олади.

ҚОДИР - Хуш келдингиз, Тахсин бей.

ТАХСИН - *(Хайрон бўлиб)* Йўқ... бунчалик ўхшашлик бўлмайди.

ҚОДИР - Афсус шундай. Буни ўзгартиришни йўлини топа олмаяпман.

ТАХСИН - Бир бирларинг ўхшашликларинг муаммолар пайдо қиляпдими?

ҚОДИР - Жуда хам.

ТАХСИН - Ичингиздаги кўйлак хам бир хил экан. Хатто, шимингиз хам айнан.

ҚОДИР - Тўғри... Хатто пайпоқларимиз хам бир хил.

ТАХСИН - Нега бундай... Бундай холатнинг бирон бир тушунчаси бўлса керак.

ҚОДИР - Биз учта ака-ука эдик. Энг каттаси мен. Ўртанчиси Саффет... Кенжатоимиз эса Қодир. Жуда хам камбағал яшардик. Бизни боқиб, оиламизни хузур халоватда яшаши учун отамиз меҳнат қиларди. Лекин, фожия юз бериб, отамиз лифт таъмирлашда юқоридан тушиб халок бўлди. Саффет смит сотарди ва уни топган арзимаган пулларига кун кўрардик. Қодир ва мен ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрардик. Хаётимиз борган сари ёмонлашди. Қисқаси, ё Қодир, ё мен, ўқишга киришимиз учун ишлашга тўғри келди. Бошқача қилиб айтганда, Қодир мени ўқишим учун ўзини фидо қилди ва бўёқчи бўлиб иш бошлади. Мен шундай қилиб ўқидим ва доктор бўлдим. Шунинг учун виждон қарзини ўташ учун, ўзимга нима олсам, укамга хам шуни оладиган бўлдим. Яна қандайдир тушунчага мухтожлигингиз борми?

ТАХСИН - Бу борада хаммаси тушунарли...

ҚОДИР - Хўш... Сиз нима иш билан шуғуланасиз Тахсин бей?

ТАХСИН - Мен Халит бейнинг фирмасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайман.

- ҚОДИР - Уйланганмисиз?  
ТАХСИН - Уйлангандим... Афсус...  
ҚОДИР - Аллох раҳматига олсин.  
ТАХСИН - Ўлгани йўқ... Кошкийди ўлсайди... Мени ташлаб кетди... Уч ой бўлди. Мен энди бўйдоқман.
- ҚОДИР - Кечирасиз... Мен ўлган деб ўйлабман.  
ТАХСИН - Аслида мен учун ўлган ҳисобланади.  
ҚОДИР - Нега ажрашдинглар?  
ТАХСИН - Мени ташлаб кетгани учун.  
ҚОДИР - Нега сизни ташлаб кетди.  
ТАХСИН - Номусли ва дурус одам бўлганим учун. Сўнги пайтлар буни ўзи юзимга гапира бошлади. Кечга яқин ишдан чарчаб уйга келган эркак учун нима керак? Очиқ чехра билан кутиб оладиган аёл. Афсус... Менга бундай бахт насиб этмади.
- ҚОДИР - Сизни тушунаман Тахсин бей. Хўш нимадан шикоят қиласиз.  
ТАХСИН - Тунларни уйқусиз ўтказаман. Уйқим келмайди. Бироз кўзим уйқига кетса, хотиним кўз олдимга келади.
- ҚОДИР - Демак уни соғингансиз.  
ТАХСИН - Уни нимасини соғинаман. Энди кўзларим юмилиши билан, унинг вайсаши, жоврашлари уйғотиб юборади. Уйқу менга харом бўлади.
- ҚОДИР - Сизни жуда яхши тушунаман. Тахсин бей. Аслида сўнги йиллар жуда кўпчилик айнан сиздай уйқусизлик дардига дучор бўлишган. Бунинг биринчи давоси, хотиржамлик ва хамма нарсага парвосиз бўлиш.
- ТАХСИН - Бирон бир дори ёзиб берасизми Доктор бей?  
ҚОДИР - Сизни касалингизга дори йўқ. Сиз уйга бориб ухлашга ҳаракат қилинг.
- ТАХСИН - Бошқа давоси йўқми? Шу холосми?  
ҚОДИР - Ха. Шу холос.  
ТАХСИН - Ташаккур Доктор бей.  
ҚОДИР - Арзимайди.  
ТАХСИН - Қанча тўлашим керак?  
ҚОДИР - Ҳеч қанча.  
ТАХСИН - Мен буни қабул қилмайман.  
ҚОДИР - Мен Халит бейни хурмат қиламан. Унга саломимни айтинг. Қолаверса пулга арзийдиган иш қилганим йўқ.
- ТАХСИН - Саломингизни етказаман. Сиздай олижаноб инсон билан танишганимдан хурсандман Доктор бей.  
ҚОДИР - Мен ҳам хурсандман. Гул хонум.  
ГУЛ - *(Киради)* Буюринг Доктор бей.  
ҚОДИР - Тахсин бейни кузатиб қўйинг.  
ГУЛ - Марҳамат, Тахсин бей.  
ТАХСИН - Ташаккур.

Гул олдиндан, кетидан Тахсин бей ташки эшикка қараб юришади. Гул Тахсин бейни кузатиб эшики ёпади.

ГУЛ - Яхши боринг, Тахсин бей.

ҚОДИР - Чиқавер. *(Мустафа шкафдан чиқади.)* Хозир қабулни бошлаганимда келинг сизни ҳам бир кўриб қўяй.

МУСТАФА - Салонга чиқсам бўладими Доктор бей? Бу ерда камоқхонадай бўғилиб кетдим. Шошилиб нима қилдик. Хали 5 кун шу ерда бўламан. Бемалол кўраверасиз.

ҚОДИР - Хозир беъморлар йўқлигида сизни ҳам кўриб қўяй. Озгина нафасингизни рослаб олиб, келинг.

Мустафа салонга ўтади. Дикқат билан салон деразасидан ташқарига эҳтиёткорона қарайди. Қўрқанидан орқага чекинади. Шошилиб Докторни хонасига келади.

ҚОДИР - Дамингизни олдингизми?

МУСТАФА - Ха Доктор бей.

ҚОДИР - Тайёр бўлсангиз, бошлаймиз. Устингиздаги пиджакни ечинг... Тик туринг. Қимирламанг! *(Атрофини айланиб кузатади)* Ўтиринг. Тилингизни чиқаринг. Хаммасини чиқаринг! “Ааааа...” денг. Қани кўрайчи.

МУСТАФА - Ааааа!

ҚОДИР - Яхши. Оёқ кийимингизни ҳам ечинг. Ечаверинг! Бўйингиз қанча?

МУСТАФА - Биру етмиш беш.

ҚОДИР - Оғирлингизчи?

МУСТАФА - Саксон... Саксон беш кило.

ҚОДИР - Хўш қайси бири, тўғриси айтинг...

МУСТАФА - Ўртаси... Саксон икки бўлса керак...

ҚОДИР - Битта хато, бошқаларини етаклаб келади. Бизни ишда хато қилиб бўлмайди. Шунинг учун бехато қилиб “саксон атрфида” дейилса тўғри ва аниқ бўлади.

МУСТАФА - Хўп бўлади.

Қодир столга ўтириб, қўлига қалам олиб қоғозга бир нималарни ёза бошлайди.

ҚОДИР - Энди оёққа туринг. Яхши. Энди эгилиб ўнг қўл билан чап оёқ учига тегинг. Қўлингиз етмаяпдими? Бармоқларингиз билан оёғингизга тега олмаяпсизми? Тушунарли. Энди чап қўлингиз билан ўнг оёғингизни учига тегин. Қўлингиз етмаяпди. Тушунарли. Агар мени айтганларимни бажармасангиз, давосини топмайсиз. Энди бу машқни ўн мартадан бажаринг. Қани бошладик. Бир, икки, уч, тўрт... Давом этинг. Яхши. Офарин... Давом этинг. Бўлди. Етади. Энди чуқур нафас олинг. Энди ўтиринг. Қани тилингизни чиқаринг. Яхши. Ўзингизни қандай хис қилаяпсиз?

МУСТАФА - Яхши хис қилаяпман.

ҚОДИР - Ундай бўлса, сиз соппа соғсиз. Кетсангиз ҳам бўлади.  
МУСТАФА - Йўқ. Кета олмайман.  
ҚОДИР - Нега энди. Хозиргина яхшиман, дедингиз-ку.  
МУСТАФА - Эни яхши эмасман... Жуда ҳам ёмонман.  
ҚОДИР - Шундай экан, беъмор, яхшиман демангиз-да. Гапингизни ўйлаб гапиринг...  
МУСТАФА - Энди ўйлаб гапираман.  
ҚОДИР - Мендан олдин учраган докторлар мендай текшириб, машқлар қилдирдими?  
МУСТАФА - Қилдиришмади... Ха, эсладим. Ёшлигимда боксга қатнагимда, мураббийимиз шундай машқлар қилдирган эди.  
ҚОДИР - Бу бошқа масала... Демак... Дуруст докторга учрамагансиз. Шундайми?  
МУСТАФА - Шундай!  
ҚОДИР - Энди ерга ётинг... Оёқларингизни, ётганча баланд кўтариб туширинг. Яна... Жонлироқ... тезроқ... Яна бироз...

Бу орада Гул эшикдан мўралаб бўлаётган жараённи катта қизиқиш билан кузатади. Мустафа бор кучи билан, завқланиб машқларни қилишда давом этади.

ГУЛ - Агар хоҳласангиз бироз дам олинглар. Мустафа бей чарчаган кўринди.  
ҚОДИР - Чарчадингизми?  
МУСТАФА - Бир оз.  
ҚОДИР - Кўриниб турибди... Бундай ишларга хали тайёр эмассиз. Аммо хали ўрганиб кетасиз. Барча касалликларнинг давоси меҳнат қилишдир. Харакатдир. Меҳнатнинг таги роҳат. Қани давом этамиз. Бир, икки, уч, тўрт... Давом...

Сахнага аста секин қоронғулик чўқади.

#### IV

Ўша кунни. Кеч кириш узра. Қодир билан Гул салонда. Гул хона деразасидан ташқарига қарамоқда. Қодир безовта бўлиб тез-тез соатига қараб кўяди. Мустафо ўзини бетоб хис қилгандай ётибди. Балки ухламоқдадир.

ҚОДИР - Қуёш ботмоқда...  
ГУЛ - Бу кун ҳам ўтди ҳисоб.  
ҚОДИР - Сен энди бора қол. Кеч бўлди.  
ГУЛ - Сизлар учун егулик буюртма қилгандим. Келсин. Кейин кетаман.  
ҚОДИР - Сен боравер. Егуликни сенсиз ҳам олиб келишади. (Гул хавотир олиб деразадан қарайди) Нима бўлди?  
ГУЛ - Анаву, қора машинага диққат биланг қаранг... Кўраяпсизми?  
ҚОДИР - Кўраяпман. Нима бўлибди?!

- ГУЛ - Мен бу машинани эрталабдан кузатаяпман... Кун бўйи шу ерда туришибди. Машина ичида қандайдир ғалати одамлар ўтирибди.
- ҚОДИР - Ўтирса ўтираверишсин, менга нима...
- ГУЛ - Бизни бинони кузатишмоқда... Егуликка чиққанимда аниқ сездим, менга диққат билан қарашди.
- ҚОДИР - Диққат билан қарашади-да. Сендай гўзалга қараш савобдир...
- ГУЛ - Қўйсангизчи? Мен жиддий айтаяпман. Ғалати, кўпол нуқсалар экан. Худди бировни қидираётганга ўхшашди.
- ҚОДИР - Бизга нима?! Бўлса бордир... Балким... Фуқоралар кийимидаги полициячилардир. Бундай ишларга аралашмаганимиз маъқул. Хар холда уларга сен керак эмассан.
- ГУЛ - Бўпди...Ўзингизни кўп уринтирманг. Яхши қолинг.
- ҚОДИР - Ташаккур. Яхши боргин.

Гул ташқарига чиқади. Қодир тошқарига чиқадиған деразанинг ёнига келади. Диққат билан ташқаидаги мухитни кузатади. Бироздан кейин кириш эшиги кўнғироғи жиринглайди. Қодир эшикнинг дарчасидан ким келганини билиш учун қарайди. Бироз ўйланиб кейин эшикни очади. Ичкарига Нуреддин кириб келади.

- НУРЕДДИН - Кирсам бўладими, доктор бей?
- ҚОДИР - Келинг. Бироз эртароқ келибсизда.
- НУРЕДДИН - Котибангизни кетишини кутиб турдим. Хўш қаерга ўтирай.
- ҚОДИР - Салонга ўта қолайлик. Сиз ўтириб тулинг, мен битта кўнғироқ қилиб олай. Бу... Қўлингиздаги нима?
- НУРЕДДИН - Сизга ташаккур қилиш учун кичкина пакет.
- ҚОДИР - Бомба эмасми?
- НУРЕДДИН - Йўғе... Ширинлик. Бирга чой ичамиз.
- ҚОДИР - Нега овора бўлдингиз. Шарт эмасди.
- НУРЕДДИН - Юракда келдида.
- ҚОДИР - Хозир келаман.

Кўшни хонадан шовқин келади. Қодир сезади холос. Мустафа безовта бўлаётганди. Уни юпатади.

- ҚОДИР - Қўрқма. Битта мижозим келди. Овозингни чиқармай ўтир.
- МУСТАФА - Хўп бўлади. Овқат-чи?
- ҚОДИР - Оч қолдингми?
- МУСТАФА - Ха.
- ҚОДИР - Бироздан кейин овқатингни олиб келишади.
- МУСТАФА - Катлет хам олиб келишадими?
- ҚОДИР - Хаммаси бўлади. Фақат жим ўтир шу ерда.

Қодир икки бардоқ (стакан) чой билаан салонга киради

- ҚОДИР - Мана мархамат, чой.
- НУРТЕН - Сизни овора қилиб қўйдим. Рахмат.



ҚОДИР - Арзимаиди Нуртен хоним.

Нуртен сумкасидан ойнача чиқариб ўзига аро беради. Қодир столга ликобча ва қошиқчаларни қўйиб, торт кесиш учун пичоқни ҳам олиб келади. Нуртен ўзи олиб келган тортни кесиб бир бўлагини Қодирнинг тарелкачасига қўяди.

НУРТЕН - Ёқимли иштаха...

ҚОДИР - Ташаккур. Жуда ҳам маззали экан.

НУРТЕН - Ош бўлсин... Ўша кунги яхшиликларингизни ҳеч ҳам унутмайман.

ҚОДИР - Вазифамни бажардим холос.

НУРТЕН - Сиздай кучли ва одобли шифокор ёнида бундай тарбиясиз котибанинг ишлаши яхши эмас.

ҚОДИР - Жуда ҳам рашкчи... Нимагадир аёлларни бу ерга келганини кўрса, бирдан ўзгариб кетади.

НУРТЕН - Бошқа котиба йўқми? Жавобини беринг, кетсин.

ҚОДИР - Ҳозирда ишончли бир ходим топиш жуда ҳам қийин. Уни ўзим тарбиялаганман. Сир сақлашни билади. Тартиб-интизомни бузмайди. Агар яхши томонлари бўлмаса, уни ушлаб турмасдим.

НУРТЕН - Худди, хотинингиз сингари ҳамма ишингизга аралашаверади... Тарбиясиз экан...

Шу пайит кутилмаганда эшик кўнғироғи чалинади. Нуртен билан Қодир бир бирлариги бир зум тикилиб қолишади. Қодир “*ким бўлди экан?*” деганча, эшик томон ошиқади. Эшикнинг “кўзчаси”дан ташқарига мўралаб қараса, кўрадики хотини Гул келибди. Гулнинг Нуртенга бўлган салбий муносабатини яхши билган эри, уларни торт еб ўтирганини хотини кўрса нима бўлишини фараз қилганча хонага ваҳима билан қайтиб келади.

ҚОДИР - Тезроқ!!! Бўла қолинг!!!

НУРТЕН - Нима бўлди, Доктор бей!

ҚОДИР - Хоним келди...

НУРТЕН - Қанақа хоним?

ҚОДИР - Котибам!

НУРТЕН - Ё тавба! Мени нима қилишимни хохлаяпсиз?!

ҚОДИР - Яширинг... Бўлмаса расво бўламиз. Мана бу тортни олинг...

Стolni устидаги егуликларни, идишларни бир қисмини Нуртен олади, қолганларини Қодир олиб, шошилганча докторнинг хонасига кириб кетишади. Эшикнинг кўнғироғи тинимсиз жаранглайди. Мустафа хонага шоша-пиша кириб келганларни кўриб довдираб қолади.

МУСТАФА - Доктор бей, нималар бўлаяпди?

ҚОДИР - Тезда шкафга кириг.

НУРТЕН - Қандоқ қилиб... Нега?

ҚОДИР - Кирсангизчи!

НУРТЕН - Бу одам ким?

ҚОДИР - Савол бемасдан айтганни қилсангизчи.

Қодир Нуртени шкафнинг ичига жойлайди. Қўлидаги нарсаларни Мустафага тутказди. Ўзи эшикни очгани шошилади. Мустафа қўлидаги ашёлар билан, бу ерда нималар бўлаётганини англашга ҳаракат қилиб ўтириб қолади. Қодир эшикни очди, қўлларида пакетлар билан Гул ваҳима қилиб ичкарига киради.

- ҚОДИР - Намунча ваҳима қилмасанг!  
ГУЛ - Қаерларда қолиб кетингиз?!  
ҚОДИР - Қаерда бўлардим... Ювингани киргандим. Сен нега келдинг?  
ГУЛ - Яхшилик қилиб балога қолдим. Оч қолманглар, деб егуликлар олиб келдим.  
ҚОДИР - Шундай ваҳима билан қўнғироқ қилдингки... Босқин бор деб ўйладим.  
ГУЛ - Қанақа босқин?!  
ҚОДИР - Бўпти... Сен боравер, мен ўзим Мустафога бераман.  
ГУЛ - Йўқ... Сиз эплай олмайсиз. Мен ўзим бераман. *(Ошхонага ўтади. Идишларни топаолмайди)* Бу ердаги идишлар қани?  
ҚОДИР - Қанақа идишлар? Билмадим. Ўша ердадирда.  
ГУЛ - Йўқ-ку?  
ҚОДИР - Қўявер, мен ўзим хал қиламан. Сен борақол. Шунча иш бор. Улгуришинг керак. Хали болалар ҳам кўзи тўрт бўлиб ўтиришгандир. Уйнинг киррасини ҳам хал қилишинг керак.  
ГУЛ - Бўпти... Совутмай енглар... Мен борақалай.

Гул энди чикмоқчи эди, эшикнинг қўнғироғи чалинади. Қодир Мустафага ишора қилиб яширинишга ундайди. Мустафа ҳам Нуртен яшириниб ўтирган шкафга беркинади. Гул эшикни очди. Ичкарига кўринишидан бандитларга ўхшаган бир эркак билан бир аёл кириб келишади.

- ҚОДИР - Хуш келибсизлар.  
ГУЛ - Хайрли оқшом...  
ЖИНОЯТЧИ - Телефон қилиб олмоқчи эдик.  
ҚОДИР - Қанақа телефон?  
ЖИНОЯТЧИ - Жуда зарур бўлиб қолди. Қарасак деразадан чироқ кўринди.  
ҚОДИР - Мархамат телефон.  
АЁЛ - Телефон учун қанча бўлса тўлаймиз.  
ҚОДИР - Мархамат, бу томонда телефон.  
ЖИНОЯТЧИ - Хусусий гаплашиб олиш керак.  
АЁЛ - Сиз чиқиб тулинг, илтимос.  
ҚОДИР - Яхши... Фақат тезлаштиринг.

Қодир билан Гул қўшни хонага чиқишади. Жиноятчи телефон рақамини териш билан овра. Аёл фурсатдан фойдаланиб, докторнинг хонасига ўтади. У ерни кўздан кечиради.

- ГУЛ - Қодир! Бу одам бояги айтганим... Ташқарида автомобилда ўтириб шу атрофни кузатаётганлардан бири. Кўрқиб кетаяпман...  
ҚОДИР - Нимадан кўрқаяпсан?  
ГУЛ - Шундай ҳам кўриниб турибди. Жиноятчиларга ўхшашади.

ҚОДИР - Бўлмаган гап...  
 АЁЛ - Бу хонада ҳеч ким йўқ.  
 ЖИНОЯТЧИ - Нариги хоналарни ҳам текшириб чик.  
 АЁЛ - Хўп. *(Салонга ўтади)* Кечирасизлар... Сизларни безовта қилдик.  
 ҚОДИР - Хижолат бўлманг, хаммаси яхши.  
 АЁЛ - Қанча лозим бўлса пулини берамиз. *(Атрофни синчковлик билан кузатади)* Бошқа хоналарингиз йўқми?  
 ҚОДИР - Ювунадиган жой бор. Мана бу ерда... Нега сўраяпсиз?  
 АЁЛ - Кичкина жой бўлса ҳам... Сизларга етарли...  
 ҚОДИР - Ха, етиб турибди...  
 АЁЛ - Ичкаридаги менинг эрим... Шу... Хожатхонага кириб чиқсам бўладими?  
 ГУЛ - Юринг.

Гул эшикни очиб, аёлни хожатхонага кузатиб қайтиб келади.

ГУЛ - Булар ўша машинадагилар...  
 ҚОДИР - Намунча қайсар бўлмасанг...  
 ЖИНОЯТЧИ - *(Телефон орқали)* Патрон! У яширинган бино ичидамиз. Телефон қилиш бахонаси билан барча хоналарни бирма бир текшириб чиқаяпмиз. Шу бинога кирганини кўрдик. Тушунарли... Хозирок. Бу сафар биздан қутила олмайди. Албатда топамиз... Ишни битириб телефон қиламан. Сиз кўнглингизни тўқ қилинг. *(Телефони қўйиб салонга ўтади.)* Соғ бўлинглар. Ташаккур.  
 ҚОДИР - Арзимамайди.  
 ЖИНОЯТЧИ - Қани менинг биттагинам?! Қайси жаханнамга кирди!  
 ҚОДИР - Халиги жойда...  
 АЁЛ - *(Кириб келади)* Портламанг! Мана шу ердаман. Бўлдими?  
 ЖИНОЯТЧИ - Бўлди. Сенчи?!  
 АЁЛ - Тоза... Ҳеч ким йўқ.  
 ЖИНОЯТЧИ - Қанча пул беришимиз керак?  
 ҚОДИР - Қанақа пул?  
 АЁЛ - Телефон пули.  
 ҚОДИР - Арзимаган иш. Биз розимиз.  
 ЖИНОЯТЧИ - Биз рози эмасмиз. Хар бир харакатнинг, ишнинг бахоси, нархи бўлиши керак. Тўламасдан чиқмайман.  
 АЁЛ - Атаганингизни беринг, чиқайлик.

Жиноятчи чўнтагидан катта миқдорда пулларни чиқариб Гулнинг қўлига тутқазади.

ЖИНОЯТЧИ - Биз рози, худо рози...  
 АЁЛ - Сал бўлмаса унутай дебман. *(Чўнтагидан расм чиқариб уларга кўрсатади)* Бунга яхши қаранглар. Шу одам бу ерга келдимми? Яхшилаб қаранг.  
 ҚОДИР - Биринчи марта кўриб турибман.

ГУЛ - Мен ҳам.  
 ЖИНОЯТЧИ - Менга қаранглар... Биз йўлчи, сиз мезбон... Бизни асабийлаштирманглар. Кўрганларингиз “кўрдик” денг.  
 ҚОДИР - Кўрмаганимизни “кўрмадик” деймиз. Кўрган бўлсак, нима сабадан яширайлик.? Ким бу ўзи?  
 АЁЛ - Жуда ҳам яхши кўрганимиз бир одам.  
 ЖИНОЯТЧИ - Яхши қолинглар.  
 ҚОДИР - Яхши боринглар...

Гул меҳмонларнинг чиқишлари учун эшикларни очади. Бу вақт ташқаридан ичкарига Турғут кириб келади. Турғут билан Жиноячи тўқнашиб кетишларига озгина қолади.

АЁЛ - Отахон сал секинроқ...  
 ЖИНОЯТЧИ - Фараларингни таъмирлаб ол, сасиқ чол! (*Чиқишади*)  
 ТУРҒУТ - Ким булар?!  
 ҚОДИР - Телефон зарур бўлиб қолибди.  
 ТУРҒУТ - Бундай тўғри келганни ичкарига олманглар.  
 ГУЛ - Эр-хотинмиз дейишганига, рози бўлдик.  
 ТУРҒУТ - Уста ишлар қандай кетмоқда.  
 ҚОДИР - Эртага худо хоҳласа тугатиб оламиз.  
 ТУРҒУТ - Яхши. Бўлмасам халақит бермай.  
 ҚОДИР - Соғ бўлинг Турғут бей.  
 ГУЛ - Бир нарса ичасизми?  
 ТУРҒУТ - Соғ бўл қизим. Мен борай. Бундан буён ичкарига тўғри келганларни олманглар.  
 ГУЛ - (*Турғутбейни кузатиб қўяди*) Тушунарли... Демак, булар бизни Мустафани кутишяпди эканда. Мени гапимга ишонмагандингиз. Мана кўрдингизми?  
 ҚОДИР - Тўри... Сен хақсан. Энди ишондим.  
 ГУЛ - Нима қиламиз?  
 ҚОДИР - Билмадим. Сен нима деб ўйлаяпсан?  
 ГУЛ - Уни жавобини бериш керак. Кетсин.  
 ҚОДИР - Қаерга кетади?  
 ГУЛ - Мен қаердан билай. Хоҳлаган жойига кетсин.  
 ҚОДИР - Хеч қаерга кетмайди. Чунки бу ердан чиқиши билан уни отиб ташлашади.  
 ГУЛ - Бизга нима? Биз ўзимизни ўйлашимиз керак.  
 ҚОДИР - Ахир инсонмизку... Уни ахволи нима бўлади?  
 ГУЛ - Ким билади... Нималар қилгандирки, унинг кетидан қидириб юришибди.  
 ҚОДИР - Билишимча қандайдир тендирда ютиб чиққан ва балога қолган.  
 ГУЛ - Оббо!!! Энди у ўзини пулли ишларини қилиб олсин деб, биз хаётимизни тахликага солишимиз керакми? Буниси ортиқча энди.

ҚОДИР - Эсдан чиқариб қўйган бир масала бор. Биз ҳам бу одамдан фойдаланиб уйли жойли бўлаяпмиз. Яна беш юз доллар оламиз. Шунинг учун Мустафа билан келишганимиздай иш тутамиз.

ГУЛ - Яхши. Бўлиб ўтган воқеани унга айтамызми?

ҚОДИР - Хали бирон бир қарорга келганим йўқ. Агар ростини айтсак, талвасага тушади. Нима бўлганда ҳам Аллохнинг берган беш кунини тинчлик билан ўтказиб, келишувни ижобий тугатиб кузатиб қўямиз. У ёғига гуноҳ биздан кетган бўлади.

ГУЛ - Бу қотиллар кутишда давом этишсачи?

ҚОДИР - Бир йўлини топиб уйдан чиқариб юборамиз Мустафани.

ГУЛ - Йўлини тополмасак-чи? Мустафани ўлдириб кетишса-чи?

ҚОДИР - Ўлдирилиб кетган бўлади.

ГУЛ - Полицияга хабар берайлик. Келиб уни қутқаришсин.

ҚОДИР - Жини бўлиб қолдингми? Бизни барча сирларимиз очилиб кетади-ку. Бу муаммони менга қолдир. Бундан кейин кириш эшиги умуман очилмайди. Хатто телефонларга ҳам жавоб бермаймиз.

ГУЛ - Ахмед бей қидириб қолса-чи?

ҚОДИР - “Қўнғироқ бўлмади”, деймиз.

ГУЛ - Турғут бей келса – чи?

ҚОДИР - Эшикнинг “кўзчаси”дан эҳтиёт бўлиб қараймиз.

ГУЛ - Яхши. Юринг Мустафани ёлғиз қолдирмайлик. Шкафда бўғилиб қолмасин бечора.

ҚОДИР - Сен бора қол. Мен ўзим хал қиламан.

Гул балконнинг бир четидан эҳтиёткорлик билан ташқарида турган машинан кузатади.

ГУЛ - Бу одамлар халиям шу ерда туришибди. Бошимиз балода...

ҚОДИР - Сен парво қилма. Мен хаммасини хал қиламан. Сен бир нарсани унутма, уйсизликдан катта бало йўқ. Бор кетақол, энди.

Гул аста секин чиқиб кетади. Қодир балкондан хотинини кузатади. Хаммаси жойида эканлигига ишонч хосил қилиб, ўзининг хонасига ўтади. Шкафни очади. Мустафа билан Нуртен довдираб қизариб-қўқариб шкафдан чиқишади.

ҚОДИР - Мендан ҳеч бир нарсани сўраманглар. Мана сени емагинг. Ёқимли иштаха. Нуртен хоним сиз мен билан юринг.

Қодир салонга ўтади. Нуртен билан Мустафа бир бирларига қўп маъноли тикилиб қолишади

МУСТАФА - Мени отим Мустафа.

НУРТЕН - Меники Нуртен. Турмуш қурмаганман.

МУСТАФА - Мен ҳам... Сизни қаердан топсам бўлади?

НУРТЕН - *(Столдан қоғоз, қалам олиб адресини ёзиб узатади.)* Мана...

ҚОДИР - Нуртен хоним..!

НУРТЕН - Келаяпман доктор бей. *(Мустафага)* Қўнғироғингизни кутаман.

МУСТАФА - Сизни албатда топаман.

- ҚОДИР - Буюринг Нуртен хоним. Сухбатимиз қаерда узилиб қолганди.  
 НУРТЕН - Бошқа пайт давом этармиз. Усти бошим торт бўлиб кетди. Хозироқ уйга бориб кийимларимни тозалашим керак. Хаммаси учун ташаккурлар.
- ҚОДИР - Узр сўрайман. Баъзи бир ноқулайлик бўлди.  
 НУРТЕН - Бутунлай тескариси... Ишониб бўлмайдиган хис-туйғуларни яшадим... Энди ширин хаёллар билан бора қолай.
- ҚОДИР - Нега шошиляяпсиз?  
 НУРТЕН - Бўладиган иш бўлди.  
 ҚОДИР - Хеч бўлмас чойимизи ичиб кетинг.  
 НУРТЕН - Бошқа бир кун ичармиз доктор бей. Яхши қолинг.  
 ҚОДИР - Яхши боринг.

Нуртен бахт тўла хаёжон билан капалакдай енгил учиб юриб кетади. Мустафа ҳам ўзини бахтли хис этар, олиб келинган емакларни емоқда. Қодир эшикларни қулуфлаб, аста-секин бўёқларни ишга тайёрлайди. Мустафа бир қўлида егулик билан телефон гўшагини олиб номер теради. Бир иккита гудоктан кейин аёл овози янграйди.

**АЁЛ ОВОЗИ** - Ишхонамиз маълум бир сабабларга кўр номаълум вақтга ёпилди. Фирмамиз патрони Мустафа бей хориж сафаридан қайтиб келганидан кейин ишлар давом этади. Агар массаж қолдирмоқчи бўлсангиз...

Бирдан телефондан эркак ва аёлларнинг сўқинишлари эшитилади. Тўпончаларниг отилиш овозлари янграйди. Кейин бир эркакнинг бўғиқ овози келади.

**ЭРКАК ОВОЗИ** - Эй Мустафа! Тез кунда бу ерга тўрт оёқ бўлиб ялиниб келишингни кутаяпмиз. Хавотир олма, дафн маросиминг энг юқори даражада бўлишига кафилман.

Телефондан кўрқинчли қах-қаха эшитилади. Мустафанинг хозиргина бахтли хисийетидан хеч нарса қолмайди. Башараси бурушган Мустафа телефон гўшагини аста секин кўяди. Иш жойини душманлар босиб олганлигини тушуниб, ўйчан ўтириб қолади.

## V

### УЧИНЧИ КУН

Тушликка яқин. Шифохонанинг таъмирлаш ишлар асосан тугаб, атроф гузалашган. Фақат баъзи бир майда ишлар қолган. Мустафа ичкарида, Қодир эса салондаги креслога жойлашиб ухламоқда. Олдинига Мустафа уйғонади. Аста-секин оёғининг учида юриб, дераза олдида келади. Яширинча ташқарини кузатади. Кўрганларидан кўнгли тўлмай, юзини буриштириб салондаги бўш креслога ўтиради. Бу ёғи нма бўлишини ўйлаб ўтирганди, телефон жиринглаб қолади. Бу телефон овозидан, Қодир ҳам уйғониб кетади, лекин телефонни кўтармайди. Бироздан сўнг ёнида ўтирган Мустафани гапга тартади.

**ҚОДИР** - Эрта турибсиз?

**МУСТАФА** - Телефон жирингламоқда.

**ҚОДИР** - Эшитаяпман...

**МУСТАФА** - Жавоб бермайсизми?

**ҚОДИР** - Йўқ. Жиринглайверсин.

**МУСТАФА** - Балким беъморлар, касаллар телефон қилишаётгандир.

**ҚОДИР** - Бу ёғига, касалу беъморларни қабул қилмайман. Таъмирлашни охиригача етказмагунча бировни қабул қилмайман. Бир томондан таъмирлаш, бир томондан беъморлар, бундай холат тиббиётга тўғри келмайди.

**МУСТАФА** - Менчи..? Мен нима бўламан..? Менни бу ердан чиқариб юбормайсизми? Мен қоламанми?

**ҚОДИР** - Албатда қоласиз... Сиз энди, қайсидир маънода бизнинг дўстимизсиз. Яна уч кун бирга бўламиз.

**МУСТАФА** - Уч кун эмас, керак бўлса беш кун... бир хафта бу ерда қоламан.

**ҚОДИР** - Йўқ... Йўқ! Уч кун етарли... Намунча жирингламаса бу телефон!

**МУСТАФА** - Хохласангиз телефонни узиб қўяман.

**ҚОДИР** - Керак эмас... Жиринглай версин. Охири тўтайди. Бир биримизга ўрганиб қолдик. Менга анча ёрдам бердингиз.

**МУСТАФА** - Болалигимдан бўёқ ишларини ёқтираман, хато завқланамн.

**ҚОДИР** - Тўғри, хақиқатдан ҳам бўёқ иши завқ бағишлайди. Завқли бўлмаса, мен докторликни ташлаб, бўёқчилик қиламанми. *(Тўсатдан)* Оёқ кийиминг ўлчами нечи.

**МУСТАФА** - Меникими?

**ҚОДИР** - Йўқ, меники?

**МУСТАФА** - Ха... Қирқ уч.

**ҚОДИР** - Аниқми?

**МУСТАФА** - Аниқ. Оёқ киймларимни ўзим харид қиламан.

**ҚОДИР** - Яна қирқ тўрт бўлмасин?

**МУСТАФА** - Баъзи бир моделларни қирқ иккисини ҳам қийяман. Нега сўраябсиз?

**ҚОДИР** - Шундай, ўзим. Яна биров ухлайлик... *(Кўзлари энди уйқуга кетаётган эди, бир пайтнинг ўзида ҳам телефон, ҳам эшик қўнғирोगи жиринглайди.)* Котиба келган бўлса керак. Сиз хар эхтимолга қарши ичкарига киринг.

Мустафа ичкарига киради. Қодир эшик “кўзчаси”дан мўралайди. Гул ичкарига ховлиқиб кириб келади..

**ГУЛ** - Телефон жирингламоқда, эшитмаяпсизми?

**ҚОДИР** - Эшитияпман. Ана жим бўлди. Эрталабдан бери жиринглагани жиринглаган.

**ГУЛ** - Мен сизга чой дамлай.

**ҚОДИР** - Дамла. Кейин бу ерларни тозалб чиқарсан. Асосий ишлар тугади. Энди майда ишлар қолди. Қолга беш юз долларни ҳам олсак, бу ерда

қиладиган ишимиз қолмайди. Яна икки кун қолди. Олтинчи кунни кутмасдан Турғут бейни чақириб бу ерни унга топшириб кетамиз.

**ГУЛ**

- Халигилар халиям ташқарида машинада ўтиришибди. Яна икки кун шу ердан кетишмаса, нима қиламиз? Қандоқ қилиб Мустафани бу ердан чиқарамиз?

**ҚОДИР**

- Нима бўлганда ҳам бу ерда қолдира олмаймиз. Нима қилиш кераклигини мен яхши биламан.

**ГУЛ**

- Биласизми? Бўлмасам, мени қийнамасдан айта қолинг.

**ҚОДИР**

- Сени эринг хар қандай муаммони хал қилишга қодир. Шунинг учун ҳам мени исмимни Қодир деб аташган.

**ГУЛ**

- Айта қолинг энди...

**ҚОДИР**

- Қани сен айтчи: Қандоқ қилиб ташқаридагилардан Мустафани кутқариб қоламиз?

**ГУЛ**

- Уч кундан беи фақат шу ҳақда ўйлаб ўйимга ета олмаяпман.

**ҚОДИР**

- Табиийки, ўйлаб ўйинга ета олмайсан. Чунки роман, хикоялар ўқимайсан... Матик деган, рухият деган тушунчанинг ўзи сенда йўқ.

**ГУЛ**

- Сизни ўқиган китобларингиз иккаламизга ҳам етади. Хўш, нима қиламиз?

**ҚОДИР**

- Бор чой олиб кел.

**ГУЛ**

- Айтмаганизча, шу ердан бир қадам ҳам нарига кетмайман.

**ҚОДИР**

- Бўпти... Сенга ёрдам бераман. Кўчанинг нариги томонида дўкон бор. Биласан?! Шундайми?!

**ГУЛ**

- Хар томон дўкон. Қайси бирини айтаябсиз?

**ҚОДИР**

- Тўғри. Лекин бу дўкон, бутик. “Бутик тесеттур”. Хотирладингми?

**ГУЛ**

- Ха... Эсладим. Лекин бу бутикни бизни ишга нима алоқаси бор.

**ҚОДИР**

- Яхшилаб ўйлаб кўрсанг, тушиниб оласан. Бироз ақлингни ишлат. Аммо айтиб кўяй, хаммаси хал бўлган, хохласанг хозироқ Мустафани бу ердан олиб чиқиб кетамиз.

**ГУЛ**

- Ундай осон бўлса олиб чиқинг.

**ҚОДИР**

- Сен шошилма. Хар нарсанинг вақти-соати бор. Сабр қилиш керак. Бироздан кейин, сен бажаришинг керак бўлган битта иш бор. Хозир эса бор егулик, чой олиб кел, нонушта қилайлик.

**ГУЛ**

- Нима қилишимни билмагунча, чой олиб келмайман..

**ҚОДИР**

- Бўпти... Қасарлигинга гап йўқ... Агаву столдан қоғоз-қалам ол. Ёз. Қирқ уч! Ёзавер...

**ГУЛ**

- (*Ёза бошлайди*) Худди топишмоққа ўхшайди.

**ҚОДИР**

- Бўлдими. Қолганини энди нонуштадан кейин айтаман.

Гул шошилганча ошхонага чиқиб кетади



## VI

### ИККИНЧИ ПАРДА

#### БЕШИНЧИ КУН

Қодир худди рассомдай қўлидаги чўтка билан таъмирлаш ишнинг сўнгги нуктасини қўйиш билан овора. Гул катта завқ билан қўлидаги латта билан атрафони тозаламоқда, диван ва креслоларни чангини олмоқда. Мустафа ичкарида овқатланмоқда. Хамманинг кайфияти аъло.

- ҚОДИР - Қандай бўлди?  
ГУЛ - Қўлингиз дард кўрмасин. Аъло.  
ҚОДИР - Сени ҳам хизматларинг катта. *(Мустафанинг ёнига келади)* Ёқимли иштаха. Кайфият қалай.  
МУСТАФА - Соғ бўлинг Доктор бей!  
ҚОДИР - Мана тўрт кун ҳам ўтиб кетди.  
МУСТАФА - Ха.  
ҚОДИР - Бу кеча сўнггиси бўлади.  
МУСТАФА - Балким яна бир неча кун қоларман.  
ҚОДИР - Келишувга кўра, бугун сўнгги кун.  
МУСТАФА - Ха...  
ҚОДИР - Мана энди ваъдага вафо қилиб, қолган беш юз долларлик банк чекини ҳам ёза қолинг.  
МУСТАФА - Эртага ёзсам-чи?!  
ҚОДИР - Хозир.

Мустафа ёнидан банк чек дафтарчасини олиб бир нарсалар ёзади. Кейин бир вароқни дафтарчадан йиртиб Қодирга узатади.

- МУСТАФА - Мана.  
ҚОДИР - Жуда яхши.  
МУСТАФА - *(Гулга яқинлашиб)* Мана буни олиб бориб банкда пулга айлантириб кел. Тезроқ бора қол.  
ГУЛ - Хўп бўлади. *(Гул чиқади)*  
ҚОДИР - *(Мустафага)* Бирон бир дардингизми бор.  
МУСТАФА - Ота-онамни, ака-укаларимни, қишлоғимни соғиндим.  
ҚОДИР - Уйланганмисиз?  
МУСТАФА - Йўқ. Тўғриси хотиним ўтиб қолди.  
ҚОДИР - Қачон?  
МУСТАФА - Икки йил бўлди.  
ҚОДИР - Жойи жаннатда бўлсин. Бахтсиз воқеами?  
МУСТАФА - Мени ўлдиришмоқчи бўлишганда орага кириб ўқдан халок бўлди.  
ҚОДИР - Болаларингиз борми?

МУСТАФА - Йўқ. Улгурмадик.  
 ҚОДИР - Хали ёш экансиз. Аллохнинг ризоси билан уйланасиз, кўплаб болаларингиз бўлади.  
 МУСТАФА - Сизга бир сирни очмоқчиман. Майлими?  
 ҚОДИР - Албатда. Менга мумкин, мен ахир сизни докторингизман.  
 МУСТАФА - Халиги... Нуртен хоним...  
 ҚОДИР - Торт олиб келган аёл?  
 МУСТАФА - Ха.  
 ҚОДИР - Сиз ҳам унга ёқдингизми?  
 МУСТАФА - Албатда... Агар ёқмасам телефонини берармиди.  
 ҚОДИР - Темирни қизиганида босинг. Хозироқ телефон қилинг.  
 МУСТАФА - *(Телефон қилади)* Ало... Мен Нуртен хонимни излаётгандим. Мен... Шифохонада... Шкаф... Мен ҳам хурсанд бўлдим... Шифохонадаман. Кўришайликми? Йўқ бугун имкони йўқ, афсус... *(Қодирга)* Кўришайлик, деяпди.  
 ҚОДИР - Яхши... Шу ерга чақиринг.  
 МУСТАФА - Шифохонага кела қолинг. Мен шу ерда сизни кутаман. Йўқ кетиб қолмайман. Сизни келишингизни қанча бўлса ҳам кутаман.  
 ҚОДИР - Нима деди.  
 МУСТАФА - Келаркан...  
 ҚОДИР - Жуда яхши. Ана ичкарида гаплашиб ўтираверасизлар.  
 МУСТАФА - Бу яхшилигингизни ҳеч ҳам унутмайман.

Мустафа балконнинг деразасига яширинча яқинлашиб, ташқарини кузатади. Унинг ёнига Қодир ҳам келади. Кузатади.

ҚОДИР - Анаву машинани кўраяпсизми?  
 МУСТАФА - Кўраяпман. Нега сўраяпсиз?  
 ҚОДИР - Тўрт кундан бери шу ерда қотиб қолгандай, ниманидир кузатишмоқда. Нимани ёки кимнидир пойлашаяпди. Сиз нима деб ўйласиз?  
 МУСТАФА - Билмадим.  
 ҚОДИР - *(Эшик кўнгирогги янграйди)* Котиба келди шекили. Биз барибир тадбирни олиб, эҳтиёткорлик қилайлик. Ичкарига кириб туринг.  
 МУСТАФА - Хўп бўлади.

Мустафа қўшни хонага ўтади. Қодир эшикнинг “кўзчаси”дан қарайди. Олдинига Гул киради, кейин Халит бей кўринади.

ҚОДИР - Халит бей, хуш келибсиз. Мархамат ичкарига ўтинг.  
 ХАЛИТ БЕЙ - Қанчалар чиройли бўлибди. Офарин!  
 ҚОДИР - Ташаккур.  
 ХАЛИТ БЕЙ - Биласизми нега келдим.  
 ҚОДИР - Яхшиликка бўлсин.

ХАЛИТ БЕЙ - Тахсин бейга яхши қарабсиз. Тузалиб кетди. У билан шу ерда кўришиб, бирга ишга боришга келишиб олгандик. Хозир келиб қолади. Бу ерга кечадан бери телефон қиламан, лекин ҳеч ким кўтармайди. Хар хил фикрларга бордим.

ҚОДИР - Ха... Кўпчилик, сизга ўхшаб, телефон қилиб туша олмаганини шикоят қилди. Керакли жойга хабар бердик. Энди ишлаб қолади. *(Телефон жирирлайди. Гул телефонни олади)* Ана... Телефон ишлаб кетди.

ГУЛ - Ало... Ха... Хозир Доктор бей. *(Қодирга)* Сизни телефонга...

ҚОДИР - Ало... Ха, менман Ахмед бей. Хаммаси келишганимиздай. Тугади. Тайёр. Жуда ҳам гўзал бўлди. Бироздан кейин Тургут бейга хабар бераман, келиб кўриб, қабул қилиб олсин. Сиз келдингизми? Истамбулдамисиз?! Нега?! Ўн дақиқадан кейин шу ерга етиб келасизми?! *(Телефони дахшат ичида қўяди. Гулга)* Ахмед бей Истамбулда экан. Хозир бу ерга келаркан...

ГУЛ - Бу қанақаси?! Хали икки кун бор эдику. Энди нима қиламиз?!

ҚОДИР - Бўладигани бўлди. Энди Мустафани бир амалаб бу ердан чиқариб юборайлик. Олдинига мана бу Тахсинбейдан қутулайлик. Ха, айтганларимни олиб келдингми?

ГУЛ - Ха, қора чоршаб, матони олиб келдим.

ҚОДИР - Диндор аёллар сингари кийнтириб, бу бинодан чиқариб юбормиз. Хозир Тахсин бейга мени бироз ишим борлигини айтиб, у билан машғул бўл. Улар кетгандан кейин, сен Мустафани кийинишига ёрдам бер. Тезлашгин.

ГУЛ - *(Гул салонга ўтади)* Халит бей зерикмай ўтирибсизми? Бирон бир ичимлик олиб келайми?

ХАЛИТ БЕЙ - Раҳмат. Безовта бўлманг. Бу ер ўзимизники хисобланади. Сиз бемалол ишингизга қаранг.

Халит бей ўтирган креслосида чўнтагидан газета чиқариб, ўқий бошлайди. Гул Қодирнинг ёнига киради.

ҚОДИР - Пакет қани?

ГУЛ - Қанақа пакет?

ҚОДИР - “Тесеттур бутик”дан олинган ракет. Тез бўла қол. Бўлмасам расво бўлаамиз.

Гул нима кераклигини англаб, тезда ошхонага ўтиб, битта катта пакетни кўтариб келади. Қодир пакетни олиб Мустафанинг олдига чиқади.

ҚОДИР - Менга қара Мустафа, сен буткул тузалдинг. Бугун сени соғ-саломат кузатиб қўямиз.

МУСТАФА- Бугунми?

ҚОДИР - Ха... Бироздан кейин. Хаммаси келишганимиздай тугади.

МУСТАФА- Мен беш кунга пул тўладим. Хали кун битгани йўқ.

ҚОДИР - Тўғри... Лекин мен сизни беш кун емак билан боқдим. Шунинг хисобига хаммаси тўғриланиб кетди.

МУСТАФА- Йўқ... Мен hozир бу ерни тарк эта олмайман. Бу мумкин эмас.

ҚОДИР - Тўхтанг, хаёжонланманг. Ташвишга тушадиган хеч нарса йўқ. Биламан, ташқарида сизни душманларингиз кутмоқда. Аммо сизга уларнинг зиёни тегмайди. Уларга билдирмай олдиларидан чиқиб кетасиз.

МУСТАФА- Сиз буларни қаердан биласиз?!

ҚОДИР - Мени аноилардан деб ўйладингизми? Мен хаммасга бошиданоқ тушиниб етганман. Сиз улар билан рақобат бўлиб тендерни ютиб чиққансиз, шунинг учун улар сизни йўқ қилишмоқчи. Сиз индамаганиз учун, мен хам сўз очмадим.

МУСТАФА- Буларни била туриб қандай қилиб мени ташқарига хайдайсиз. *(Тўпончасини чиқаради)* Шу ерда қоламан!

ҚОДИР - Яширинг шу тўпончани. Мен барчасини ўйлаб, хал қилиб қўйдим. *(Пакетдан қора чоршаб, бир сумка, куёш кўзойнаги, оёқ кийимларни чиқаради.)* Ҳозир шуларни кийиниб оласиз. Сизни ташқарига бежавотир чиқиш учун тайёрлаймиз. Энди тушиндингизми, нима учун ўлчамларингизни олганимни? Қўрқинчли хеч бир нарса йўқ. Агар hozир бу ерни тарк этмасангиз, у ёғида хақиқатдан хам жуда қўрқинчли воқеалар юз беради. Менга қулоқ солинг. Ўтган куни бу ерга телефон қилишни бахона қилиб, ўшалар келишиб, хоналарни текшириб кетишди. Тушинсангизчи... Расмингизни бизга кўрсатиб: “Танийсизларми... Шунинг кўрдингизларми?” деб, сўроққа тутишди. Шу кунгача нималарни яшаганимизни айтишга хам одам хайиқади. Лекин сиз кўрқманг. Агар мени айтганларимни бажарсангиз, осонгини хаммасини хал қиламиз, ва сизни бу ердан чиқариб юборамиз.

МУСТАФА- Нега, мени сўраб келишганини айтмадингиз?

ҚОДИР - Айтмоқчи бўлдим... Лекин ўйлаб қарасам, бунинг хеч ҳам фойдаси йўқлигини тушундим. Хали режа ишлаб чиқмагандим.

МУСТАФА- Эндичи режа ишлаб чиқдингизми?

ҚОДИР - Албатда... Сиз мени айтганимни қилсангиз, етади... Гул хоним!

ГУЛ - *(Кириб келади)* Буюринг Доктор бей.

ҚОДИР - Кийинишига ёрдам беринг.

ГУЛ - Хўп бўлади. Пиджакни ечинг.

МУСТАФА- Вой пиджаксиз бўламанми?

ҚОДИР - Ха... Бундай бўлмагир, кераксиз саволлар берманг. Келишдик-ку, айтганимизни қиласиз. Тушунарлими?!

Гул, Мустафанинг бўлаётган жараёндан шошиб қолганига қарамай, тезда қора чоршабни кийдиради. Эшик кўнғироғи жиринглайди. Хамма бир бирига қараб қолади.

ҚОДИР - Сизлар ишларингизни давом этинглар, мен ўзим эшикка қарайман.

МУСТАФА- Агар улар бўлсачи?

ГУЛ - Жим!

Гул билан Мустафа ташқаридаги эшик олдида бўлиб ўтадиган суҳбатни тинглашга шайланишади. Қодир эшик кўзчасидан қарайди. Халит бей ичкарида кутаётган Тахсин бей билан учрашгани келган экан. Эшикни очади.

ҚОДИР - Хуш келдингиз, Тахсин бей.

ТАХСИН - Сен Қодирмисан ёки Аҳмед бей?

ҚОДИР - Доктор ман.

ТАХСИН - Аллох... Аллох... Шунчалар ўхшаш чехра бўладими? Халит бей шу ердами?

ҚОДИР - Ха. Ичкарида, мархамат.

ХАЛИТ - Киравер, Тахсин бей... Кеч қолдинг...

ТАХСИН - Хурматли мудирим, хотиним билан ярашдик.

ҚОДИР - Ярашидингизми?

ТАХСИН - Сизни соянгизда, доктор бей...

ҚОДИР - Мен нима қилдимки?

ТАХСИН - Камтарлик қилманг, сизни маслахатингизга кулоқ солиб, ярашдик.

ҚОДИР - Табриклайман. Жуда хурсанд бўлдим. Узр, мени ичкарида зарур ишим бор эди.

ХАЛИТ - Ишингизга қаранг Доктор бей.

Қодир чиқиши билан бошқалар эшитмаслик учун Тахсин бей ва Халит бейлар пичирлаб ярим овозда гаплашдилар

ТАХСИН - Биласизми, докторнинг укаси бор экан. Худди ўзгинаси. Бўёқчи экан. Кўплаб эгизаклар кўрганман, лекин бунчалар ўхшашлигини кўрмаган эканман. Хайрон қолдим.

Қодир ичкарида қора чоршабга ўранган Мустафани кўриб хурсанд бўлади.

ҚОДИР - Жуда яхши. Ўхшабди.

ГУЛ - Жуда ярашди. Худди ўзига бичиб-тикиб қўйилгандай.

МУСТАФА- Оёғим сиқаяпди...

ҚОДИР - Ўзингиз қирқ учинчи рақам дедингиз. Энди чидайсиз.

ГУЛ - Зўрға кийдирдим...

ҚОДИР - Қани сумкани елкангизга олиб юриб кўрингчи.

Мустафа катта қийинчилик билан юришга ҳаракат қилади. Оғирикларга чидаб юради.

МУСТАФА- Бўлмапди... Яхшиси ўз оёқ кийимларимни кийиб олай.

ҚОДИР - Бўлмайди... Шунча ҳаракатимиз пучга чқади. Бироз юрсангиз очилиб кетади. Оёқларингиз кўникиб қолади. Инсон бундан баттарига ҳам кўникади.

ГУЛ - Албатда...

МУСТАФА- Бу оёқ кийимида қанча юраман?

ҚОДИР - Бироз сабр қиласиз. Такси чақирамиз, машинага ўтириб олгунча. Сиз хозир бироз машқ қилиб олинг. Мен ташқарига чиқиб такси билан келишиб олай.

Қодир шифокор хонасига чиқади. Деворда осилган “Мухим телефонлар рўйхати”дан такси номерини топади ва телефондан рақамни тиради. Мустафа Гулни ёрдами билан юришга характ қилади.

ҚОДИР - Ало... Зудлик билан такси юборинг! Йўлпалаз кўчаси, Акинлар биноси олдига келиб турсин. Биз деразадан кузатамиз. Машина келиши билан чиқамиз. Илтимос хозироқ келсин. Жуда шошилиш эди.

Телефонни қўйиб қўшни хонага чиқади.

ҚОДИР - Қалай бўлди? Юра олаяпсизми?

ГУЛ - Кўриб турибсиз, қийинчилик билан юраяпди.

ҚОДИР - Тушунарли... Лифт билан пастга тушасиз.

МУСТАФА- Яхшиси биронтаси қўлтиғимдан ушлаб олсин.

ҚОДИР - Қаергача?

ГУЛ - Таксигача. Бўлмасам йиқилиб тушаман.

ҚОДИР - “Биронтаси” деганинг ким бўлади?

МУСТАФА- Сиз...

ҚОДИР - Бўлмайди.

МУСТАФА- Бўлади!*(Қодирни қўлтиғига кириб олиб)* Мана кўрдингизми, бинойидек бўлаяпди.

ҚОДИР - Йўқ бўлмайди. Бизни бирга кўриб қолишса шубха пайдо бўлади. Мен бу ишни тахликага сололмайман.

МУСТАФА- Агар бу ишнинг тахликаси бўлса, нега мени бу ердан чиқараяпсиз?

ҚОДИР - Аслида ҳеч қандай тахлика йўқ. Аммо барибир ҳар нарсага тайёр бўлиш керак. Ким билади, нималар бўлиб кетиши мумкин.

МУСТАФА- *(Ўтиради)* “Ким билади, нималар бўлиб кетиши мумкин”, бўлса, мен шу ерда қоламан. Нима бўлса шу ерда бўлсин. Ҳеч бўлмаса, аёл кийимида шарманда бўлмай ўламан.

Мустафа жиддийлашиб, устидаги қора чоршабни ечишга киришади. Буни кузатиб турган Қодир хавотирга тушиб уни хотиржамлаштиришга киришади.

ҚОДИР - Тўхтаг! Бирданига тушкунликка тушманг! Албатда бирон бир чорасини топамиз! Гул хоним сиз машғулоти давом этинг, мен қарайчи такси келдимикан.

Гул Мустафани оёққа тургазиб юриб кўришига ёрдам беради, Қодир салонга ўтиб у ердаги меҳмонларнинг кўнглини олишга киришади.

ҚОДИР - Узр... Сизлар билан суҳбатлаша олмадим.

ХАЛИТ - Сиз хижолат бўлманг. Биз бу ерда бегона эмасмиз.

Қодир салон деразасидан ташқарини кузатади. Такисини кўра олмай асабийлашади.

ҚОДИР - Қаерларда қолиб кетди такси..?

ХАЛИТ - Қанақа такси?

ҚОДИР - Ха... Такси чақиргандим... Келмаяпди.

ТАХСИН - Такси деганингизга эсимга тушди. *(Деразага яқинлашиб)* Мана бу қаршида турган автомобилни кўряпсизларми? Анаву қора машина.

ХАЛИТ - Ха...

ҚОДИР - Нима қилибди бу машинага?

ТАХСИН - Бу ерга илк келган кунимдан бери шу ерда турибди.

ҚОДИР - Мен ахамият берганим йўқ.

ТАХСИН - Менга қолса анча шубхали машина. Машина ичида ўтирганлар ҳам ғалати, безориларга ўхшайди.

ХАЛИТ - Балким, улар фуқоралик кийимидаги полициячилардир? Яширин операция устида ишлашаётгандир.

ТАХСИН - Хозир хаммасига ойдинлик киритамиз. Бу кўчанинг номи нимаиди?

ҚОДИР - Йўлпалас кўчаси.

ТАХСИН - Акинлар биноси бу ер, шундайми?

ҚОДИР - Хаммасини ўрганиб олибсиз, Тахсин бей.

ТАХСИН - Рухсатингиз билан битта телефон қилиб олсам.

ҚОДИР - Мархамат...

ТАХСИН - Хавотир олманглар. Бизлар хабар берганимизни ҳеч ким билмайди.

ХАЛИТ - *(Тахсин котиба хонасига ўтгандан кейин)* Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас. Эски касали қўзғади, шекилли.

ТАХСИН - *(Телефонда рақам таради)* Ало... Полициями? Йўлпалаз кўчаси, Акинлар биносининг қаршисида қора рангли машина ичида қандайдир шубхалилар тўрт кундан бери кимнидир ёки ниманидир пойлаб ўтиришибди. Бир ҳақиқий ватандош сифатида ўз фуқоралик бурчимни бажариб, сизларга хабар бераяпман. Мени хабаримга жиддий муносабатда бўлишингизни талаб қиламан, катта эҳтимол билан булар террорист бўлишлари мумкин. Сизлар ҳам ўз вазифаларингизни лутфан бажаринглар. *(Телефонни қўяди. Салонга ўтади)* Ана бўлди... Фуқоралик бурчимни бажардим.

ХАЛИТ - Тахсин, бу хабар бериш ишларини ташладим, бошқа бундай қилмайман, дегандинг.

ТАХСИН - Тўғри, лекин ноҳақликка чидай олмайман.

Учаласи хам деразанинг олдига келиб ташқарида бўладиган жараёларни кузатишмоқда. Эшик кўнғироғи жиринглайди. Қодир эшикни очгани чиқади. Нуртен хоним келади.

ҚОДИР - Нуртен хоним?!

НУРТЕН - Мустафа бейни кўргани келгандим.

ҚОДИР - Хабарим бор. Мархамат.

Қодир Нуртенни бошлаб Мустафанинг хонасига олиб киради. Қора чоршаб ёпиниб олган Мустафа Нуртендан уялиб, шкафга яширинмоқчи бўлади. Нуртенни кўрган Гулнинг жахли чиқаётган кўрган Қодир, уни сокинлаштиришга уринади.

ҚОДИР - Йўқ, сен ўйлагандай эмас. У Мустафа билан яқинда уйланар экан. Юр биз бу ердан чиқайлик. Улар гаплашиб олишсин.

Қодир билан Гул чиқишади. Гул котибанинг хонасида қолади. Қодир салонга ўтиб деразадан ташқарини кузатади. Нуртен қора чоршабда ким эканлигини билмай Мустафани келишини кутади.

МУСТАФА - Мени танимадингизми?

НУРТЕН - Йўқ.

ҚОДИР - *(Юзини аста секин очади)* Қўрқманг... Бу менман.

МУСТАФА - Вой товба... Нега бу қиёфага кириб олдингиз?

Нуртен, Мустафанинг паст овозда бу фавқулотдаги вазиятни тушунтиришини катта иштиёқ билан тинглайди. Эшик кўнғироғи жиринглайди. Гул эшикнинг кўзчасидан ташқарига қарай. Қодир салоннинг эшигини ёпиб Гулнинг ёнига келади.

ГУЛ - Тургут бей!? Балким очмазмиз?!

ҚОДИР - Хабар бер. Яширинишсин!

Гул шошилганича ичкарига кириб кетади. Нуртен билан Мустафани яширинишларига ундайди. Қодир бироз кутиб эшикни очади.

ТУРГУТ - Уста хорманг.

ҚОДИР - *(Паст овозда)* Хуш келдингиз Тургут бей.

ТУРГУТ - Ахмет бейнинг Германияданқйтиб келганини биласанми?

ҚОДИР - Биламан... Мен ҳам сизга бу янгиликни айтмоқчи бўлиб тургандим. Барча ишларни тугатдим.

ТУРГУТ - Нега пичирлаб гапираяпсан?

ҚОДИР - Ичкарида иккита полициячи ўтирибди.

ТУРГУТ - *(Кўрқиб)* Нега келишибди?

ҚОДИР - Билмадим... Хар холда каршида турган шубхали машинани кузатишяпди, шекилли. Машинадагилар террористлар бўлиши мумкин.

ТУРГУТ - *(Эшиклар орасидан ичкарига билдирмай қарайди)* Аллох сақласин. Яна бу ерда отшма бўлиб кетмаса эди. Янги таъмирланган деворлар барбод бўлади. Тавба, шундай кузатиш ҳам бўларканми? Қовоққа ўхшаб, яққол кўриниб туришибди-ку?

ҚОДИР - Полис эканликлари билинмаяди. Худди оддий фуқоралар сингари кийиниб олишган. Бирон бир холдингнинг директорига ўхшайди.

ТУРГУТ - Ёнидаги эса унинг мовунига ўхшайди.

ҚОДИР - Худди шундай.

ТУРГУТ - Тавба шундай мароқли кузатиб ўтиришибдики, худди биронта бир саргузашт фильмини томоша қилишаётгандай.

ҚОДИР - Лекин бирдан отишма бошланиб кетиши мумкин.



ТУРГУТ - Шунинг учун хар доим огох бўлиш керак. Сенга полициячи эканликларини айтишдимми?

ҚОДИР - Йўқ... Айтишмади. Мен ўзим уларнинг харакатларидан тушиниб етдим. Мени доктор деб ўйлашчпди.

ТУРГУТ - Баракалла... Яхши бўлибди. Докторлардан хамма бироз ўзини тортади. Майли охири яхши бўлсинда.

ҚОДИР - Қолган пулларн сизданми ёки Ахмед бейданми оламан?

Чўнтагидан олдиндан санаб, тайёрлаб қўйган бир даста пулни Қодирга узатади.

ТУРГУТ - Мана бу хужжатга ҳам қўл қўйиш керак. Ахмет бей ҳар ишда тартиб бўлишини хохлайди.

ҚОДИР - Ҳозир ичкарида қўл қўйиб чиқаман. *(Шартномани олиб, Котибанинг хонасига ўтиб у ердан телефон қилади. Паст овозда.)* Ало!.. Тургут бей билан гаплшмоқчиман. Зудлик билан. Шошилич! Қаерда!? Қизим энди мени диққат билан эшитгин. Уни хозироқ топгин. Уйига ўт кетди. Ха... Ёнаяпди! Тезда уйига борсин. Мен қўшнисиман. *(Телефони трубкасини секин қўяди. Хужжатни имзолайди. Гулга қараб)* Ҳозир телефон орқали Тургут бейни сўрашади. Сен уни телефонга чақирасан, тушиндингми?

ГУЛ - Тушиндим.

Қодир аста секин сездирмай Тургут бейга яқинлашади.

ҚОДИР - Хонанинг таъмири хақида бирон бир фикрингиз борми?

ТУРГУТ - Хаммаси яхши.

ҚОДИР - Мана хужжатни имзоладим. Ахмед бейга берарсиз.

Бироз орага сукунат тушади. Қодир диққат билан телефоннинг жаранглашини кутади. Телефон жаранглайди. Гул телефонни кўтариб “Ало” деб бирдан вахимага тушиб, салонга ўтади.

ГУЛ - Тургут бей... Телефон.

ТУРГУТ - Ҳозир. *(Котибанинг хонасига ўтиб, телефонни олади.)* Ало..! Ха, мен бўламан. Тезроқ гапир ишим бор. Ха... Қаерда? Бизи уйдаими? Ким? Қўшним телефон қилдимми? Ҳозир бораман... *(Телефони қўйиб шошилганча Қодирни ёнига келади)* Бизни уйда ёнғин чиқибди, мен кетдим...

ҚОДИР - Тезроқ бола қолинг. *(Тургут шошилиб чиқиб кетади. Қодир Гулга қараб)* Бу масалани хал қилдик. Улар тайёрма? Мен таксидан хабар олай.

Гул ичкарига кириб, Мустафа билан Нуртени яширинган жойидан чиқишларига ёрдам беради. Қодир деразадан такси келиб сигнал бергани кўради. Хайдовчига қўллари билан ишор қилиб, хозир чиқишларини тушунтиради. Қодир Мустафа ва Нуртени огохлантириш учун уларни олдиларига ўтади.

ТАХСИН - Ана полиция машинаси ҳам етиб келди

ХАЛИТ - Негадир тўхтаб қолишди.

Қодир Мустафа яширнган хонага кириб келади

ҚОДИР - Такси келди. Эшикни олдида турибди. Қиладиган ишингиз жуда осон. Бу ердан чиқиб, тўғри таксига ўтирасиз. Оёқ кийимларни нега ечиб олдингиз?! Биз бу ерда сенга яхшилик қиламиз деб, сарсон-саргардон бўлаяпмизу, сиз бўлсангиз ахмоқчасига иш тутмоқдасиз.

МУСТАФА - Бўлмасам, мени сиз таксига кузатиб қўйинг.

ҚОДИР - Сиз, уйланмоқчи бўлган аёлингиз билан таксига чиқинг. Тўғрими Нуртен хоним? Қани юринглар!

ГУЛ - Олдинига оёқ кийимини кийиб олинг.

МУСТАФА - Киймасам бўлмайдами?

ҚОДИР - Ишимизни хавф остига солманг. Чўзилмасдан, бўла қолинг энди.

Мустафа шошилиб бир амалаб оёқ кийимни кия бошлайди. Лекин бу иш жуда қийинчилик билан амалга ошади.

МУСТАФА - Бўлмаяпди... Оёқларим шишиб кетди...

ҚОДИР - Яна бироз ҳаракат қилинг... Боя кийдингизку... Бўлақолинг, бўлмасам кейин кеч бўлади....

Мустафа бир амалаб оёқ кийимини кияди. Юзини чоршаб билан беркитиб, Нуртени қўлини ушлаб, қийинчилик билан эшик томон юришади. Қодир эҳтиёткорлик билан эшикни очиб, худди ортиқча юкдан қутилиб олаётгандай уларни ташқарига енгилгина итариб чиқаради. Эшикни тезда ёпади. Катта ютуққа эришгандай энди хурсанд бўлмоқчи эди, бирдан эшик кўнғироғи янграйди. Қодир “кўзча”дан қараб, эшикни очмайди. Ташқайдан Мустафанинг овози эшитилади.

МУСТАФА -Тўрва... Халтачам қолибди!

ҚОДИР - Гул, тезроқ ичкаридан тўрвани олиб чиқ.

Гул тезда ичкарида тўрвани олиб чиқиб, қодирга узатади. Қодир эшикни қия очиб торвани Мустафага узатади. Гул деразадан ташқарини кузатади.

ГУЛ - Кетишди.

ҚОДИР - Нахот бу ишдан ҳам қутилдик. Ишонаолмаяпман. Бўлдими?

ГУЛ - Йўқ хали... Анаву ичкаридагилардан ҳам қутилишимиз керак.

ҚОДИР - Биладан... Уларга ҳам тайёрлаб қўйган “ўйиним” бор. Менга Халит бейнинг визит картасини хозироқ топгин.

ГУЛ - Хозир... Шу ердайд...

ҚОДИР - Тезроқ бўла қол. Хозир Ахмед бей келиб қолади.

ГУЛ - Топаолмаяпман... Энди нима қиламиз?

ҚОДИР - Хозир бориб ўзидан сўрайман. *(Секин салонга ўтиб, деразадан ташқарини кузатиб турган Халитбейнинг ёнига келади.)* Зерикмаяпсизларми?

ХАЛИТ - Полициячилар ниманидир мухокама қилишмоқда.

ТАХСИН - Қани бу ёғи нима бўларкин?

ҚОДИР - Халит бей, визит картангизни топаолмаяпман...

Халит пиджакининг чўнтагидан визит картини олиб Қодирга узатади. Қодир визит картни олиб котибанинг хонаси ўтади. Тезда қаергадир телефон қилади. Кейин, Гулга ишора қилиб, телефон бўлганда, Халит бейни чақиришини тушунтиради. Ўзи ичкарига киради. Дераза олдида турган Халит бей ва Тахсин бейларнинг ёнига келиб у ҳам ташқарини кузатади. Бирданига ташқарида отишма бошлайди. Халит бей ва Тахсин бейлар бу отишмадан кўрқиб полга ётиб олишади. Қодир эса ташқаридаги мутхиш воқеани кузатишда давом этади. Бироз сукунатдан сўнг телефон жиринглайди. Телефонни Гул кўтаради.

ГУЛ - Бир дақиқа... *(Салонга кириб келади Халит бейга юзланади)*  
Халит бей, сизни ишхонадан телефонга чақиришаяпди.

ҚОДИР - Халит бей тахлика ортда қолди. Қўрқмасда тик юраверинг.

ХАЛИТ - *(Телефони кўтаради)* Ало... Менман... Нима бўлди? Нима?! Ўт ўчирувчиларга зудлик билан хабар беринглар. Қанча керак бўлса пул бераман. Мен хозироқ етиб бораман. *(Телефонни қўяди. Салонга чиқади)* Уйимизда ёнғин чиқибди. Мен боришим керак. *(Қодир билан хайрлаша туриб бирдан ўйланиб қолади. Кейин бир муҳим нарсани тушиниб кулимсирайди)* Яхши “ўйин!”

ҚОДИР - Тезроқ боринг, Халит бей..!

ХАЛИТ - Хавотир олма, бораман. Хатто Тахсин бейни ҳам олиб кетаман. Лекин олдин уйимга бир телефон қилай.

ҚОДИР - Керак эмас. Бора қолинг...

ХАЛИТ - Ха, сен бу ишда профессионал экансан. Бўёқ қилишингдан сени кимлигингни тушунгандим. Мен ҳампрофессионалман.

ҚОДИР - Қўйсангизчи...

ХАЛИТ - Ўзинг қўйсангчи, Қодир уста...

ҚОДИР - Аммо...

ХАЛИТ - Қўй бу гапларни энди... Рости мен сенга қоил қолдим... Зотан хаётимдаги энг катта яхшиликни ҳам сен қилдинг. Визит картилни йўқотиб, яна тортинмай, янгисини сўраб олишингга ҳам тасано... Ха айтгандай, менга шу ерда бепул даволаниш учун тилхат, квитанция беришингиз керак. Мен Тахсин бейга бераман, хафа бўлмасин. *(Тахсин бей келади)* Худди шу йўсинда давом этавер. Тахсин бей биз ҳам борайик энди. *(Қодирни имзолаган квитанцияни олади)* Шарт эмасди Ахмед бей. Яхши қол. *(Гулга қараб)* Кузатиб қўймасанми қизим?!

Гул кчиқиб келади. Улар хайрлашадилар. Халит бей ва Тахсин бейлар чиқишади. Қодир уларни кузатиб эшикни ёпади. Хаммасидан қутилганига шукур қилиб хурсанд бўлиб хотинини кучоқлайди. Чарчаганидан ўзини бўш қўйиб креслога ўтиради. Гул ҳам ёнига келиб ўтиради.

ГУЛ - Нимагадир Халит бей жуда ҳам ёнғинга учраган одамдай кетмади.

ҚОДИР - Парво қилма. Айтишадику, яхшилик қилиб, денгизга улоқтир.

Эшикнинг кўнғироғи чалинади. Ўтирган еридан эриниб туришади. Кийимларини тузатиб, эшикни очишга тайёр бўлишади. Гул эшик ёнига бориб “кўзча”дан ташқарига қарайди.

ГУЛ - Биринчи куни келганимда “Бу довдирнинг қўлидан келмайди” - деган одам келди.

ҚОДИР - Мен ҳам бир қарайчи. *(Қарайди. Ва хурсанд бўлиб эшикни очади. Ичкарига Ахмед бей келади.)* Марҳамат... Хуш келибсиз Доктор Бей!

АХМЕД - Ооооо! Жуда чиройли бўлибди, уста. *(Барча хоналарни кўзда кечиради. Таъмирдан завқланади)* Барака топгин уста! Хақиқатда ҳам Тургутнинг мақтаганича бор экансан уста... Офарин!

ҚОДИР - Ташаккур Доктор бей.

АХМЕД - Аслида мен сизларга ташаккур айтаман.

ҚОДИР - Биз вазифамизни бажардик холос.

АХМЕД - Тургут келмадими?

ҚОДИР - Келди. Қолган пулларни ҳам берди. Квитанцияни имзолаб бердим. Кейин қандайдир қўнғироқ бўлди ва у шошилиб чиқиб кетди. Мана калитларингиз.

АХМЕД - Ташаккур. Сизлардан жуда ҳам мамнунман. Агар рози бўлсангиз шу кунларда мен ўз уйимни ҳам сизларга таъмирлатмоқчиман.

ҚОДИР - Янги хонадонга кўчиб ўтганимиздан кейин, албатда сизни уйни ҳам таъмирлаймиз.

АХМЕД - Мен сизлардан хабар кутиб қоламан.

ҚОДИР - *(Иш ашёларини олиб чиқаркан)* Бир кути бўёқ ортиб қолди. Рухсат берсангиз, шу бўёқни кўчиб ўтаётганимиз хонадонга фойдалансам.

АХМЕД - Ха, олаверинглар.

ҚОДИР - Рухсат берсангиз, биз борайлик.

АХМЕД - Яна бир марта хаммаси учун ташаккур.

ГУЛ - Яхши қолинг.

АХМЕД - Яхши боринглар! *(Чиқишади)* Хабар кутамаман, Ридван уста!

ҚОДИР - *(Ташқаридан)* Қодир..! Исмин Қодир!

АХМЕД - Яна адашдим. Қодир уста.*(Уларни кузатиб эшикни ёпади. Телефон жиринглайди)* Ало... Ха!.. Қаердасан? Жуда яхши бўлибди. Жуда ёқди. Нима? Тушунмадим. Қанақа ёнғин!? Хўш?! Охири нима бўлди? Яхшику... Нега қайғураяпсан? Тўғриси уйида ёнғин чиқмаганлиги учун хафа бўлаётган инсонни биринчи марта кўришим. Сени алдашгани учун хафамисан. Хафа бўлма, кеча телевизорда ҳукумат маъмури чиқиб, “Нархларни оширмаймиз”деди, лекин бугун нархлар кўтарилиб кетди. Майлига... Гаплашадиган гаплар йиғилиб қолди. Тезроқ келгин овқатлангани борамиз...

Унинг бу гаплари давом этаркан, парда ёпилади.

## ТАМОМ